ШЕРХОН ҚОРАЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ УСТОЗЛАРИ

Тошкент: «LESSON PRESS» -2022.

UDK: 7.091 (075)
KBK: 85.33
Қ – 23

Шерхон Қораев. Алишер Навоийнинг устозлари
“LESSON –PRESS” нашриёти, Тошкент 2022 йил, 76 бет

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори, навоийшунос олим Шерхон Қораев қаламига мансуб қўлингиздаги ушбу мажмуада улуғ мутафаккир зот, шоирлар султони, Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг пиру устозлари, у зоти бобаракотни дуо қилган азиз-авлиёлар, мураббийлари тўғрисидаги маълумотларни китобхон қалбига мустажо бўла оладиган тарзда равон ва илмий ёндашган ҳолда тақдим этилади.

Китобни ўқиб, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз, албатта. Зотан Алишер Навоийнинг устоз – муаллимлари ҳақидаги маълумотлар сизда катта қизиқиш ўйғотади, деган умиддамиз.

Тақризчилар:
Филология фанлари доктори
Афтондил ЭРКИНОВ,
Филология фанлари доктори
Дилнавоз ЮСУПОВА.

ISBN 978-9943-466-30-1

© Шерхон Қораев
© «LESSON PRESS» nashriyoti, 2022.

I - ФАСЛ

ШОИРЛАР СУЛТОНИНИНГ БИРИНЧИ УСТОЗИ КИМ БЎЛГАН?

Ёки Аторуд мартабалик муаллим ҳақида нималарни биламиз?

Маълумки, Алишер Навоий тўрт ёшида бошланғич мактабга борган ва отаси Ғиёсиддин Баҳодир Хуросонда сарой амалдори бўлганлиги сабабли темурийларнинг сарой педагогларидан дастлаб диний билимлардан таълим олган, ўз даврининг жаҳон тиллари - араб ва форс тилларини мукаммал ўрганган. Шоир Камолиддин Ҳусайн Фаноий "Мажолис-ул-ушшоқ" асарида у ҳам Навоий билан бошланғич мактаб, яъни "дабистонда(бошланғич мактаб шундай аталган) ҳамсабақ бўлганини" ёзган. "Макорим ул-аҳлоқ"да зикр этилишича,*"Фазл ва камол доирасининг маркази бўлган у зот (Навоий)нинг ёши тўртдан ўтганда, қазо маҳкамаси унинг парвариш ва тарбиясини осмон мактабига муаллим бўларлик Аторуд каби кўнгли равшан бир адибга топширди. Улуғ мартабали Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) билан биргаликда мактабга бориб, дарс ўқишга киришди. Тангри марҳамати билан оз вақт ичида дарсларни ўзлаштиришда ўз шерикларидан илгарилаб кетди. Нозик табънинг софлик ва соғломлик овозаси оламга ёйилди ва муборак фикрининг дадиллиги ҳақидаги сўзлар халқ орасида оғиздан оғизга кўчиб юрди."* [1] *Хўш,* Аторудга тенглашадиган, юксак мақомли адиб мулла - муаллим ким? Навоийнинг қўлига илк марта қалам тутган, исмига "Мулла"(Чунки Хуросонда илмли инсонларга, устозларга, "Мулла" сўзи қўшиб айтилган. Ҳатто, айрим тарихий, адабий манбалар, "Бобурнома"да буюк шоир ва мутафаккир Абдураҳмон Жомий ҳам "Мулла Жомий" деб тилга олинади) сўзи қўшиб айтилган устоз ҳақида нималарни биламиз? "Навоий тили луғати"да Аторуд –Меркурий сайёраси деб[2] изоҳланади. Демак Хондамир коинот-осмонда ўз ўрнига эга бўлган Аторуд бўларлик

[1] Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2015.-Б.19.
[2] Юсуф Б. Навоий тили луғати. Т. Шарқ НМАК БТ, 2018. -Б.119.

муаллим деганда, бир томондан устознинг қадимги миф ва афсоналарга кўра, ёзувчи ва шоирлар, яъни ижод аҳли ҳомийси саналмиш, фалак котиби Аторуд-Меркурий сайёраси чархида турувчи, Хуросон мамлакатидаги юксак мартабали инсон ва салоҳиятли олим, таниқли шоир, сўз санъаткори эканлигини кўзда тутмоқда. Иккинчи томондан, унинг олийнасабли хонадон вакиллари фарзандларига таълим-тарбия берадиган темурийлар хонадони ишончини қозонган тажрибали ўқитувчи бўлгани маълум бўлади. Навоий томонидан ўзининг "Маҳбуб ул-қулуб" асарида билдирилган мактаб муаллими ҳақидаги қуйидаги фикрлар, бизнингча шоирлар султонининг биринчи устозига ҳам тааллуқли: *"Мактабдор домла эса, бир тўда болага илм-адаб ўргатади. Бунга нима етсин! Лекин шуниси ҳам борки, болалар орасида фаҳми идроки озлари бўлади. Муаллим бу каби ҳолларда юзлаб машаққат чекади. Шу жиҳатдан олганда, болаларда унинг ҳаққи кўп; агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллуқ қилса арзийди. Бинобарин, шогирд шайх-ул-ислом ва қозилик даражасига кўтарилганда ҳам устози ундан рози бўлса, Тангри ҳам рози бўлади".*

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмуш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.[3]

Биз бошланғич мактабда таълим берган устозини шоирлар султони кези келиб рози қилганига, ҳақини адо этганига, бошига кўтарганига шак-шубҳамиз йўқ. Аммо бизни бу улуғ шахснинг ким бўлгани қизиқтиради? Наҳотки, темурийлар салтанати келажаги – фарзандларига таълим-тарбия берган, Хондамир таъбири билан айтганда, маълум ва машҳур мактаб домласининг номи бирор-бир тарихий асарда, адабий манбада қайд этилмаган?

Навоий бу улуғ устоз раҳбарлигида мактабда Каломуллоҳдан ташқари, Саъдий Шерозийнинг тасаввуф таълимоти билан суғорилган "Гулистон" ва "Бўстон" асарларидан сабоқ олган.

Ёдима мундоқ келур бу можаро,
Ким туфилият чоғи мактаб аро.
Ким чекар атфол маҳруми забун,
Ҳар тарафдин бир сабақ забтиға ун.
Эмгонурлар чун сабақ озоридин,

[3] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т. Янги аср авлоди, 2019.-Б.44.

Ё Каломуллоҳнинг такроридин.
Истабон ташхиси хотир устод,
Назм ўқутурким равон бўлсун савод.
Насрдин баъзи ўқур ҳам достон,
Бу "Гулистон" янглиғу ул "Бўстон".[4]

Яъни, Навоий "Лисон ут-тайр"да мактабдаги даврини шундай хотирлайди: *Ҳеч эсимдан чиқмайди: мактабда ўқиб юрган пайтларим эди. Синфдошларим дарсликдан бош кўтармай, билим олишга зўр беришарди. Улар* ***"Каломуллоҳ"*** *(Қуръони Карим) оятларини тинмай такрорлар, дарсларнинг мураккаблигидан қийналардилар. Муаллим хотирамизни мустаҳкамлаш, зеҳнимизни ўткирлаш ва саводимизни равон қилиш учун шеъру достонлар ўқитар, ёд олдирар эди. Баъзан насрий* ***"Гулистон"****ни мутолаа қилсак, гоҳо* ***"Бўстон"*** *каби шеърий асарларни қироат қилар эдик. Мен Фаридиддин Атторнинг* ***"Мантиқ ут-тайр"*** *достонига айниқса алоҳида меҳр қўйдим. Бу асарни такрор-такрор ўқир эдим, ўқиганим сайин кўнглим яйрар эди. Бу достон шунчалик ром қилиб олдики, бошқа китобларга қарагим келмай қолди. Ажойиб ҳикоятлар ром қилди, қуш тилидан айтилган киноя ва мажозий фикрлар юрагимга муҳрланди. Достондаги фикрлар, ҳикматлар моҳиятини англашга уринардим, айнан қайси мақсадда айтилганини билишга ҳаракат қилардим. Мазкур достон мутолааси ва мушоҳадаси наинки юрагимни шавқу завққа тўлдирар, ҳатто лолу ҳайрон қиларди. Бинобарин, бу достонни сира қўлимдан қўймас эдим, унга меҳрим тобора ортар эди",*[5]деб ёзилади "Лисон ут-тайр"нинг насрий баёнида Навоий тилидан.

Бинобарин, Г. Избуллаеванинг ёзишича, Ўрта асрларда барча мусулмон мамлакатларида бошланғич таълим масжидлар қошидаги мактабларда берилган ва беш йилга мўлжалланган, ўқувчилар 4-5 ёшдан қабул қилинган. Ўғил болалар масжид имомлари, қизлар аёл халфалар қўлида тарбияланган. Бошланғич мактабларда араб ёзуви ва ўқиш, Қуръони Карим ва ҳадисдан олинган намуналар, абжад ҳисоби, шеърий китоблар, панднома, аҳлоқ-одоб қоидалари ўқитилган. Ўқувчилар ўқитилиш босқичига қараб "Ҳафтиякхон", "Абжадхон" ва "Қуръонхон" деб юритилган.

[4] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.279-280.
[5] Алишер Навоий. Лисон ут-тайр.Т: Янги аср авлоди, 2019.-Б.219-220.

Мактаб дарсларини муллалар олиб борган. Мулла – Ўрта Осиё мамлакатларида мусулмон одатининг билимдони, дин хизматчиси, диний мактаб ўқитувчиси, саводли, илмли киши ҳисобланган. Домла – катта мулла деган маънони англатган.

Ўқувчилар дастлабки ўқиш кўникмаларини эгаллагандан сўнг "Ҳафтияк" (форсча Қуръони Каримнинг еттидан бир қисми)ни ўқишни бошлаганлар. Ушбу китоб Қуръони Каримнинг диний маросимларини адо этишда кўпроқ (13-14 та) ўқиладиган кичикроқ сураларини ўзида жамлаган, қироат китоби шаклида бўлган.

Ўқувчилар "Ҳафтияк"ни тугатганларидан сўнг "Чор китоб" ("Тўрт китоб")ни ўқишга киришганлар. "Чор китоб" – исломга оид панд-насиҳатлар китоби - IX асрда Шарафиддин Саноий ал-Бухорий қаламига мансуб бўлиб, 2 шеърий ва 2 насрий мажмуадан иборат "Номи Ҳақ", "Чаҳор китоб" ("Тўрт китоб") деб номланувчи мактаб дарслигининг биринчи қисмида диний амаллар (таҳорат, намоз, рўза ва ҳ.к.) га оид масалалар шеърий усулда баён этилган, иккинчи қисмида Қози Азмуддиннинг "Бидон" (Билгил) номли китобидан олинган ва юқоридаги масалалар изоҳ шаклида анча кенг ёритилган парчалар ўрин олган. "Китобнинг "Панднома" (Насиҳат китоби) деб номланган тўртинчи қисми XIII асрда ёзилган ва Қуръони Каримдан олинган одоб-ахлоқ масалаларига оид қоидалар шеърий шаклда баён этилган".[6]

Шоирлар султонининг асарларидан маълум бўладики, у олти ёшдалик пайтида Эроннинг Тафт қишлоғида тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашади ва буюк муаррих ёш Алишернинг мактабга борган-бормагани билан қизиқади: *"Мавлоно (Яздий) бир раҳбада ўлтуруб эрмишлар, тушган жамоатнинг кайфиятин маълум қилмоқ учун атфол(болалар)дин бирини тиладилар. Фақир алар сори борурға муваффақ бўлдум. Ҳар неким сўрдилар, жавоб айтдим. Табассум қилиб таҳсин қилдилар; дағи сўрдиларким, мактабға борубмусен? Дедимким: борибмен. Дедиларким: не ергача ўқубсен? Дедимки: "Таборак" сурасиғача. Дедиларким: бу жамоат атфолидин биз тилаганда, сен келиб биз била ошно бўлдунг, сенинг учун фотиҳа ўқули, деб ўз фотиҳаларига мушарраф қилдилар".*[7]

[6] Избуллаева Г. XII – XIII асрларда таълим тизими. // Педагогик маҳорат журнали. 2018 йил январь, №1 – Б.41-42.

[7] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.308.

Демак, шоирлар султони бошланғич мактабда диний китобларни мутолаа қилган. Бинобарин, Хондамир таъбири билан айтганда, Навоий бошланғич мактабнинг аълочи ўқувчиларидан бўлган. Қолаверса, у ўқиш давомида таланти билан номи тарих қатларида яширинган улуғ устознинг доимо олқишига сазовор бўлган.

Мухтасар айтганда, улуғ устоз ўқитган мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги етук мартабаларга эришишган. Бири темурийлар салтанатининг қудратли сўнгги ҳукмдорларидан, шоҳлар шоири, адабиёт илми билимдони Султон Ҳусайн Бойқаро бўлса, иккинчиси эса қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, *“Темур тиғи етмаган жойни, Қалам билан олган Алишер”* Навоийдир. Учинчиси биз юқорида номини зикр этган шоир ва адабиётшунос Камолиддин Ҳусайн Фаноийдир. Улуғ муаллим сабоқ берган бундай буюк зотларнинг сони кўп бўлган эҳтимол. Фақат биз ҳозиргача уларнинг номини билмаймиз, холос. Аммо шуни алоҳида айтиш лозимки, шуҳрати оламни тутган Навоий, Ҳусайний ва Фаноий каби кўплаб буюк инсонлар, улуғ шоирлар ва етук олимларнинг камолотга эришиши тарих исмини ошкор этишни истамаган камтар, камсуқум ва олижаноб мактаб Муаллими номи билан боғлиқ.

НАВОИЙГА ШОИРЛИК ҲАЛВОСИНИ ҚАЙСИ УСТОЗ ЕДИРГАН?

Ўрта асрларда мусулмон Шарқида шундай расм-русум мавжуд бўлганки, агар киши шоирликка қўл урадиган бўлса, унга етук нозим аҳли томонидан шоирлик ҳалвоси едирилиб, оқ фотиҳа берилган. Шундан сўнг ёш шоирнинг шеърларига маъза – матра югурган, шеърлари эса янада маъзалироқ бўлган, дейиш мумкин. Маълумотларга қараганда, Абдураҳмон Жомий шеърларининг ажойиблиги, мафтункорлиги ҳамда навотдек ширинлигини унга болалигида Жом шаҳрида авлиё Муҳаммад Порсо Бухорий томонидан тақдим этилган бир бўлак навот билан боғлашади. Ана шу навот Жомийнинг шеърлари шира ато этган. Хўш, Алишер Навоийга қайси авлиё шоир ҳалво едирган, деган ҳақли савол туғилади? Биз бу каби саволларга жавоб излаймиз, албатта.

Шоирлар султони “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” манoқибида жуда кўп азиз –авлиёлар, дарвешлар, машойих-шуаролар суҳбатига етганини айтиб ўтган.[8] Навоийнинг кўплаб дарвешлар билан мулоқотда бўлдим, лекин Саййид Ҳасандек инсонни кўрмадим, деган қайдларидан келиб чиқсак, мажлисларда ёш Алишернинг шеърларини ўқиб завқланадиган темурзодалар устози Ардашер балки унга шоирлик ҳалвосини бергандир, деган тахминга ҳам боришимиз мумкин. Яна айтиш мумкинки, 10-12 ёшларида етти иқлимда, хусусан туркий мамлакатларда машҳур бўлган шоирлар султонига Буюк Жомий ёки Мавлоно Лутфий ҳам шоирлик ҳалвоси берган бўлиши, эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо манбаларга таянсак, Навоийнинг қайси шоир-авлиёнинг қўлидан шоирлик ҳалвосини егани бизга ҳозирча номаълум.

Мутрибий “Тазкират уш-шуаро”да ёзишича, валий Абу Муҳаммад Даҳбедий Аминий унга бир адабий йиғинда шундай дейди: “Шеър ёзиб бошлаган одам учун бу соҳанинг ҳам ўзига яраша ирим ва расму русумлари бор. Яъни шеър майдонига илк бор қадам қўяётган киши яқинларига шоирлик ҳалвосини едириши керак. Иримга кўра, шундагина унинг кейинги шеърлари дастлабки ёзганларига қараганда янада мазалироқ бўлиб бораркан. Агар бизга шоирлик ҳалвосини едирсангиз, шеърни бундан ҳам ширинроқ ва мазалироқ ёзишга муваффақ бўласиз.”

Мутрибий эса болалик ва хомлик қилиб:

-Эшон ҳазратларининг ўзлари лутф этиб, қўлларидан ана шундай йўлланма ҳалвосини мендек ёш ҳаваскорга едирсалар, шеърни янада ширинроқ айтадиган бўлармидим?- дейди.

Ҳазрати Эшон Аминий ўрнидан туриб, шоирлик ҳалвосини олиб келиб, мажлисда “писта мағизли иссиққина ҳалвони бир парча қоғозга ўроғлик ҳолда” ёш шоир Мутрибий Самарқандийга тақдим этади.[9] Ана шу ширин ҳалво туфайли унинг шеърлари янада мазалироқ бўлган бўлса, не ажаб?

Мухтасар қилиб айтганда, қадимги шоирлар ана шундай ирим-сирим, урф-одатларга риоя қилиб, баланд чўққиларни забт этишган.

---

[8] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Т. Ғ. Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.14.

[9] Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т. Мумтоз сўз, 2013.-Б. 70-71.

II – ФАСЛ

МАЪНАВИЙ УСТОЗЛАР

Сизу биз “Навоийнинг устози ким бўлган” деган саволга, ҳеч иккиланмай “Абдураҳмон Жомий” деб жавоб беришга ўрганиб қолганмиз. Аммо Ҳазрат Алишер Навоийнинг Жомийдан ҳам бошқа мураббийлари бўлганки, юзлаб устозлар буюк мутафаккир тафаккурининг шаклланишида ҳамда камолот касб этишида муҳим рол ўйнагани баайни ҳақиқат. Навоийнинг устозларини беш категорияга бўлиш мумкин. Биринчидан, шоир асарларини ўқиб улғайган, улар бир неча аср олдин яшаб ўтишган бўлишсада, ўз устози деб билган, фақат руҳан мадад олган табаррук сиймолар, яъни, маънавий устозлар. Иккинчидан, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида номлари алоҳида зикр этилган устоз-шоирлар. Учинчидан, тасаввуф илмидан сабоқ берган, фақру фано тариқидаги пир-муршидлар - мўътабар зотлар. Тўртинчидан, Алишер Навоийга таҳсил берган улуғ мураббийлар. Бешинчидан, дуогўй устодлар.

Алишер Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн” асарида ҳам маънавий устозлари ҳақида тўхталиб, жумладан шундай ёзган: *“..Мамлакат араб халифалари ва султонлари қўлида экан, фалак у вақтда шоирларга араб тилида жилваланди, чунончи, Ҳассон Собит ва Лақитдек сўз подшоҳи сухандонлар ва маъно яратувчи гўзал сўз эгалари пайдо бўлдилар ва ўз тилларида шеър айтишнинг додини бердилар.*

Бу муносабат билан араб подшоҳларидан Иброҳим Маҳдий, Маъмун халифадек ва булардан бошқа подшоҳлар ва подшоҳзодалар шеърлар ва қасидалар айтдилар, фойдалар келтирдилар.

Дунёнинг баъзи иқлим ва ўлкасида сарт подшоҳлари мустақил бўлганидан кейин шу муносабат билан форсийгўй шоирлар пайдо бўлдилар. Қасидада Хоқоний, Анварий, Камол Исмоил, Заҳир ва Салмон; маснавийда фан устози Фирдавсий, замонининг нодири Шайх Низомий ва ҳинд ҳунарманди Мир Хусрав (Деҳлавий); ғазалда ўз замонининг ижодкори Шайх Муслиҳиддин (Саъдий Шерозий) ва асрининг ягонаси Хожа Ҳофиз Шерозий сингарилар етишди...Сарт

подшоҳларидан ҳам султон Туғрул ва Шоҳ Шижодек юқори қадрли подшоҳлар ва баланд мартабали юлдуз сипоҳлар рангдор байтлар, ширин ғазаллар айтдилар, асарлари ўз замонларида машҳур бўлди ва турмушлари варақларида ёзилди". [10] Навоийнинг юқорида зикр этилган етук маънавий устодларидан бири Низомийдир.

Абу Муҳаммад Илёс бин Юсуф ибн Закий Муайяд Низомий – Ганжавий – форс-тожик тилида ижод қилган озарбайжонлик шоир ҳамда Навоийнинг маънавий устозларидан бири. Бу улуғ бобаракот диний билимлар билан бир қаторда тиббиёт, фалсафа, тарих, математика ва астрономия каби фанларни ўзлаштиргани сабабли замондошлари уни "Ҳаким"(Ҳикмат соҳиби) деб улуғлаганлар.

Жомий Низомий "Хамса"си "қўлга киритган назокати ва латофати ҳеч кимга муяссар бўлмаган, балки, умуман, одамзод қудратидан ташқари ҳодисадир" деса, Навоий "ул назмлар агарчи зоҳир юзидин афсонадур, аммо ҳақиқат юзидин ҳақойиқ кашфи ва маориф баёниға баҳонадур", деб таърифлайди.

"Хамса" хотимасида шоирлар султони Низомийни устоз сифатида мадҳ этиб, унинг шеърий маҳорати ва бадиий балоғатини таърифу тавсиф қилади. Чунончи, "Хамса" хотимасида келтирилган лавҳа - улуғ устозлар билан ғайб оламидаги учрашувда устод Низомий қобил шогирди (Навоий)нинг адабиёт майдонидаги буюк жасоратига таҳсинлар айтади". [11]

Шоир ва мутафаккир **Абулқосим Фирдавсий** замонасининг асосий илмларини эгаллаган, араб ва паҳлавий тилларини чуқур ўрганган ва қомусий олим даражасига етгани учун "Ҳаким" деб улуғланган.

Шоирлар султони Навоий Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асаридан хабардор бўлганки, мутафаккир номини ҳурмат билан "малик ул-калом Фирдавсий Тусий" деб тилга олади. Сайид Ҳасанга йўлланган Маснавий-мактубда Фирдавсий маснавий майдонининг паҳлавони деб таърифланса, "Муҳокамат ул-луғатайн"да **"Маснавийда устоди фан"** деб эътироф этилади. Албатта Навоий Фирдавсийни ўзининг маснавийда устози сифатида билган.

[10] Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Т. Академнашр, 2 017.-Б.74.
[11] Исҳоқов Ё. "Сўз санъати сўзлиги" Т. Ўзбекистон, 2014. –Б.257.

Алишер Навоий шарқ шеъриятининг барча жанрларида қалам тебратган “малик уш-шуаро” **Абулқосим Ҳасан бинни Аҳмад Унсурий** ижоди хусусида бирор-бир фикр билдирмаган бўлса ҳам, унинг номини бир неча марта забардаст сўз санъаткорлари қаторида ҳурмат билан тилга олади. Жумладан, “Хамса”нинг тугатилиши муносабати билан содир бўлган ғайб олами сайрида Шарқнинг буюк шоирлари даврасида Унсурий ҳам бор бўлган:

Чу Саъдию, Фирдавсию,Унсурий,
Саноию, Хоқонию, Анварий.

Жомий “Баҳористон”да унга ўз даври шоирларининг сардори деб таъриф беради. Бинобарин, Алишер Навоий ҳам уни устозларидан бири сифатида билган.[12]

Афзалиддин Бадил бин Нажибиддин Али Ширвоний кўп маъноли шеърлари учун “Ҳассон ул-Ажам” лақаби билан машҳур бўлган. Абулъало Ганжавий ҳузурида адабий илмдан таълим олади. Устози орқали Ширвоншоҳлар сулоласи вакили Манучеҳр Хоқон билан танишгач, “Хоқоний” тахаллусини олади. Муайян муддат саройда хизмат қилади.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да Хоқонийни мажоз тариқида қалам тебратган ижодкорлар сафига қўшади. “Хамса” хотимасида ҳам шоир сўз санъаткорлари - устозлари даврасида тасвирланади. “Муҳокамат ул-луғатайн”да эса Хоқонийни қасида устози сифатида тилга олади, “Халлоқи маоний” - “Маънолар ижодкори” деб улуғлайди. “Ситтаи зарурия” туркумига кирувчи “Минҳож ун-нажот” ва “Насим ул-хулд” қасидалари маънавий устоз Хоқонийга татаббуъ тарзида ёзилган.

Шаҳо, дар мадҳат ин назми маро ҳар кас, ки бархонад,
Нагардад мултафит бо шеъри Хоқонию Хоқонаш.
Пас аз вай соҳири ҳиндй чунон ин назми худ орост,
Ки “Мирот-ус-сафо” шуд ном аз табъи сухандонаш.
Зи руҳи Хусравам ояд дусад инсофу сад таҳсин,
Зи Хоқонй малолатҳо ки кардан шарҳ натвонаш[13].

(Мазмуни: Эй шоҳ, сенинг мақтовингга бағишланган бу шеъримни ким ўқиса, хоқонлик даражасидаги Хоқоний шеърига эътибор қилмай қўяди. (Хоқонийдан) кейин Ҳинд сеҳргари (Хусрав

[12] Алишер Навоий: Қомусий луғат.Иккинчи жилд.Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.53.
[13] Алишер Навоий. Ситтаи зарурия (Қасидалар).Т. Фан, 2008. –Б.131-132.

Деҳлавий) бу назмни қаламга олди. Унинг табъи назми билан “Миръотус-сафо” (“Ёруғлик оинаси”) номли (асари) пайдо бўлди. Хусрав (Деҳлавий)нинг руҳидан менга икки юз инсоф билан айтиладиган (гапу), юз таҳсин муқаррардир. Хоқонийга эса келадиган малолликларни тушунтириб беролмайман).

Шоир **Авҳадиддин Али ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Анварий** ўз даврининг асосий фанлари, жумладан, нужум, ҳандаса, риёзат, мусиқа, ҳикмат, тиб ва бошқа илмларни ўзлаштиради. У йигирма ёшида Султон Санжарга бағишланган қасидаси билан подшоҳнинг эътирофига сазовор бўлиб, сарой шоирлари сафидан ўрин олади.

Алишер Навоий Анварийни “Маҳбубул ул-қулуб”да “назмида мажоз тариқи ғолиб” шоирлар гуруҳига киритади. “Назм ул-жавоҳир”да ҳам Анварий шоир Заҳир Фаробий билан бирга зикр этилган.[14] “Хамса” ниҳоясида ҳам Анварий сўз санъаткорларининг устози қаторида ҳурмат билан тилга олинади. Навоийнинг эътирофича, *“Чун фақир(Навоий) асҳоб орасида муттаҳам бунга борменким, Анварийға муътақиддурур(мени одамлар Анварийга эътиқод қўйишда айблайдилар) ва анинг шеърини кўп ўқур. Фильвоқеъ мундоқдур(ҳақиқатан ҳам шундай)”.*

“Муҳокамату-л-луғатайн”да шоирлар мажлисларда Анварий ва Салмон шеъри устида баҳслашганда, ким ҳақлигини исботлаш мақсадида Навоий олдига муҳокама учун келишганлари ёзилган.[15]

Абуҳомид Муҳаммад ибн Абубакр Иброҳим Нишопурий ёшлигидан илм олишга қизиқиб, адабий, диний, ҳикмату калом, нужум, тиббиёт ва доришунослик фанларини чуқур ўзлаштириб, ўз даврининг пешқадам кишиларидан бирига айланди. У сўфийлик муҳити ва тасаввуф аҳли орасида яшаганидан бу таълимот унга кучли таъсир кўрсатган. У зот шайхлар шайхи Маждиддин Бағдодий қўлидан дарвешлик хирқасини кийган. Навоийнинг ёзишича, *“Алар(Аттор) Шайх Маждуддин Бағдодий муридидурлар ва “Тазкират ул-авлиё” китобиким, аларнинг мусаннифотидиндур. Анинг дебочасида ўзларининг Шайх Маждуддинға иродатларин зоҳир қилибдурлар”.*

Навоийнинг маънавий устозига ихлос-эътиқоди баланд бўлганидан беш ёшида “Мантиқ ут-тайр”ни ёд олгани, бир умр

[14] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами.Ўнинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.37.
[15] Алишер Навоий. Муҳокаму-л-луғатайн. Т. Академнашр, 2 017.-Б.79.

унинг ижодидан таъсирланиб, ҳаётининг сўнгида унга “таржума расми била” жавоб айтгани –“Лисон ут-тайр”ни яратгани маълум. Бу достонда Навоий Атторни–Қақнус, ўзини –Қақнус боласига ўхшатган. Ҳақиқатан Алишер Навоий “Лисон ут-тайр”да Фаридуддин Атторни ўзига устоз санаб, достоннинг боши ва охиридаги фаслни унга бағишлаган. Шоирлар султони Аттор қабри устига мақбара қурдирган.

Лек Ҳақ тавфиқ берса, мен гадо,
Шайхнинг руҳига айлаб иқтидо.
Ўйла қушлар нутқини изҳор этай,
Булбули тўти киби гуфтор этай.

Тасаввуфда машҳур мавлавия тариқати асосчиси, шоир ва мутафаккир ёш **Жалолиддин Румий** Нишопурда авлиё Фаридуддин Аттор билан учрашиб, унинг дуосини олади. Ўспириннинг келажакда улуғ валий бўлишини сезган Аттор унга ўзининг “Асрорнома”сини совға қилади.

Отаси Баҳоуддин Валад ва унинг шогирдлари тарбиясини олган, Ҳалаб ва Дамашқ мадрасаларида ўқиган Румий етук олим бўлиб етишади.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Румийга алоҳида фасл ажратади. “Маҳбуб ул-қулуб”да қалам аҳлини ҳақиқий ишқни куйлаган шоирлар, ўз ижодида ҳақиқий ва мажозий ишқни омухта қилган шоирлар, мажозий ишқни тараннум этган шоирлар тарзида уч гуруҳга ажратар экан, маънавий устози Румийни биринчи тоифага киритади: *“Энди биз бу ажойиб зотлар гуруҳига мансуб бўлганлардан баъзилари ҳақида айтиб ўтайлик:*

Ул жумладан: форсий ибора билан сирлар жавҳарини тузувчи Шайх Фаридуддин Аттор; “Маснавий”ни ёзувчи, яқинлик денгизининг сувчиси Мавлоно Жалолиддин яъни Мавлавий Румийлардир. Буларнинг шеър ёзишдан мақсади илоҳий сирларни баён қилмоқ ва чексиз маърифат тарқатмоқдир”,[16] дейди Навоий.

Шоир, адиб ва мутафаккир **Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибни Мушрифиддин Саъдий Шерозий** Боғдоддаги “Низомия” ва “Мустансирия” мадрасаларида калом, фиқҳ, тафсир, араб тили, форс адабиёти, шарқ фалсафаси, тарих, мантиқ, тиб, табиий ва аниқ фанларни ўрганган. Тасаввуф олими Шаҳобиддин

[16] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983. –Б.26.

Суҳравардий ва илоҳиёт алломаси Абдураҳмон Жавзий қўлида таҳсил олган.

Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари унга оламшумул шуҳрат келтиради. Навоий “Лисон ут-тайр” достонида мактабда “Мантиқ ут-тайр” билан бир қаторда “Бўстон” ва “Гулистон” асарларидан ҳам таълим олганини айтади. Саъдий Шерозий ва унинг асарлари ҳақида адабиётшунос Нажмиддин Комилов “Гулистон” китоби сўзбошисида шундай ёзган: *“Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1184-1292) буюк шоир, донишманд сифатида дунёга машҳур. У учта девон тузиб, форс-тожик адабиётида ғазал жанрини қиёмига етказди, илоҳий ҳусн ва ҳаётий гўзалликни ажабтовур бир маҳорат билан омухта этиб, мўъжаз рубобий куйларда тараннум этди. “Гулистон” ва “Бўстон” номли адабий пандномалари – панду насиҳат ва одоб-аҳлоқ китоблари сифатида шуҳрат қозонган. Мазкур китоблар асрлар оша севиб мутолаа қилинди, ўтиришлар ва давраларнинг безаги бўлди.*

Саъдий шариат ва тариқат илмини чуқур ўзлаштиришдан ташқари, пири муршид, ориф инсон сифатида (“Шайх” – деган унвонни у шунинг учун олган) ваъзлар уюштирган, хонақоҳларда суҳбатлар қурган”.[17]

Маънавий устоз Саъдий Шерозийнинг асарлари Навоий ижодига катта таъсир кўрсатган. Бевосита “Гулистон” таъсирида ёзилган “Маҳбуб ул –қулуб”да Навоий Саъдийни “ҳақиқат асрориға мажоз тариқин” омухта қилган шоирлар гуруҳига киритиб, “маоний аҳлининг нуктапардози” деб улуғлайди.

Кимки назм ичра гуҳаррез ўлди,
Нуктаси мўъжиза ангез ўлди.
Лафзи жонбахш нафис анфоси,
Хосият анда ўлуб эҳёси.
Саъдию, Хисраву, Салмону Камол,
Ким эрди ҳар бири бешубҳа мисол.[18]

Абулҳасан Яминиддин бин Сайфиддин Маҳмуд Хусрав Деҳлавий –туркийларнинг лочин уруғидан бўлган ҳиндистонлик шоир ва мутафаккир. Ўз даврининг етук донишмандларидан

[17] Саъдий Шерозий. Гулистон. Т. А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993. –Б.3-5.
[18] Алишер Навоий. Фавойидул-кибар.Т. Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. –Б.424.

таълим олган шоир форс, араб ва ҳинд тилларини чуқур ўзлаштириб, уч тилда гўзал шеърлар ёзган.[19] Деҳлавий Чиштия тариқатининг шайхи – Низомиддин Авлиё раҳнамолигида валийликнинг улуғ даражасига етган.

Навоий ижодига Абдураҳмон Жомийдан сўнг энг кучли таъсир кўрсатган ижодкор Деҳлавийдир. Навоий Деҳлавийни ғазалнависликда Ҳофиз Шерозий ва Жомий қаторида "соҳири Ҳинд" номи билан тилга олса, "Хамса"нинг ҳар бир достони муқаддимасида уни устозлари қаторида сўз иқлимининг шоҳи, Ҳинд сеҳргари, деб улуғлайди.

Ғазалда уч киши тавридур ул навъ,
Ким андин яхши йўқ назм эҳтимоли,
Бири –мўъжиз байнлиқ соҳири Ҳинд,
Ким ишқ аҳлини ўртар сўзи ҳоли.
Бири –оташнафаслик ринди Шероз,
Фано дайрида масту лоуболи.
Бири-қудсий асарлик орифи Жом,
Ки жоми жамдурур синғон сафоли.
Навоий назмига боқсанг эмастур,
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи.
Ҳамона кўзгудурким, акс солмиш,
Анга уч шўхи маҳвашнинг жамоли.

"...Навоий назми (бу ерда ғазалиёт назарда тутилмоқда) шундай кўзгуки, унда учта гўзалнинг латофати жамулжам бўлган ҳолда намоён бўлади. Навоийнинг ҳар байтида мазкур учта устоз (Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Жомий)нинг ҳолати, нафаси уфуриб туради. Аниқроқ қилиб айтганда, Навоий шеъриятида уч буюк шеърият даҳосининг асосий фазилатлари синтезлашган.

Алишер Навоийнинг мазкур уч устозга нисбатан юксак эътиқоди "Маҳбуб ул-қулуб"да янада аниқроқ ифодаланган".[20]

Хожа Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий – форс–тожик адабиётининг йирик намояндаси. Унинг исми Муҳаммад, лақаби Шамсиддин, тахаллуси Ҳофиздир. Қуръони Каримни тўлиқ ёдлаб, 14 хил қироат қила олгани сабабли "Ҳофиз" тахаллусини танлаган.

[19].Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд.Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.480.
[20] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. Т. Ўзбекистон, 2014.-Б.308.

Ҳофиз Шерозий ўз ғазалларида тасаввуфий маънолар, қуръоний ҳикматлар ва фалсафий хулосаларни шоирона табъи ва истеъдоди билан омухта қилиб, мажоз тариқида айни ҳақиқатни айта олган, “Лисон ул-ғайб” (“Ғайб оламининг таржимони”) деган шарафли лақабга сазовор шоир ва мутафаккир саналади. “Насойим ул-муҳаббат”да Ҳофиз ҳақида шундай ёзилади*: “Хожалар силсиласидин азизе дебдурки, ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса. Бу фақир(Навоий)ға андоқ маълум бўлубдур ва машҳур мундоқдурки, Ҳазрат Мир Қосим аларнинг девонини “Қуръони форсий” дер эрмишларки, Каломуллоҳ оёти маонисидин мамлу ва асрору нукотидин машҳурдур. Чун аларнинг ашъори маорифнигори андин машҳурроқдурки, иродға эҳтиёж бўлғай”.*

Навоий Ҳофиз Шерозийни ғазалнависликда ўзига устоз деб билган. “Девони Фоний”да 231 та ғазал Ҳофиз Шерозий таъсирида ёзилган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи “Муҳокамату-л-луғатайн”да шундай ёзган: *“Сўз усталари ва назмчилари томонидан яхши ва маъқул деб топилган Хожа Ҳофизнинг йўли билан форсча ғазаллар девони (Девони Фоний) тузганманки, байтлари олти мингтадан кўпроқдир, бу ғазалларнинг кўпроғида у ҳазратнинг шеърига тақлид воқе бўлгандир. Баъзисида ғазал йўлининг яратувчиси Шайх Муслиҳиддин Саъдийга ва баъзисида ишқ ўтхонасининг шуъла сочувчиси ва дард ғарибхонасининг ёш тўкувчиси Мир Хусравга ва баъзисида етуклик юксаклигининг нурли қуёши ҳазрати Махдум(Жомий)га пайравлик воқе бўлгандир. Юқорида айтилган азизларнинг аҳволлари тўпланган бу девон халойиқ ўртасида ёйилган ва замон аҳлининг таблари у асарга қаратилгандир.”*[21]

Ҳофиз Шерозийнинг Шероздаги мақбарасини шоир бир неча марта зиёрат қилган.

Унинг исми **Каломиддин бўлиб, тахаллуси Салмон**дир. Соважий кўплаб илмлардан мукаммал таҳсил олди. Умрининг қарийб эллик йилини Жалойирийлар сулоласи саройи хизматига сарфлади.

Соважийнинг ўзидан кейин яшаб ўтган шоирлар ижодига таъсири яққол намоён бўлади. Жумладан Ҳофиз Шерозийга кучли таъсири кўзга ташланади.

[21] Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Т. Академнашр, 2 017.-Б.74.

Навоий “Махбуб ул-қулуб”да Салмон Соважийни ижодида мажозий ишқ устувор устоз шоирлар билан бир сафга қўяди. Қолаверса шоирлар султони унинг маснуъ қасидасига татаббуъ ёзган: Навоий таъбири билан айтганда, *“...Яна сўз пардозчиси улуғ устоз Хожа Каломиддин Салмон қасида майдонининг чавандози ва ўз замонининг мислсиз сўз устасидир, машҳурдурки, санъатли қасидасини тузишда қалам суриб, ўн саккиз ёшида тамомлабдир. Ҳақиқатан шундай иш қилибдирки, назм аҳли унинг тагига етишда ҳайрон ва унинг устида фикр юритишда саргардондирлар.*[22]”

Темурийлар давридаги тасаввуфнинг йирик намоёндаси ва **шоир Қосим Анвор** Навоийнинг ёзишича, тариқатдаги мақоми шеъриятдаги даражасидан баланд бўлган. Навоий болаликда ёдлаган илк шеърлар бу улуғ зот қаламига мансуб эканлигини қайд этади.

Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок.

Бу фақир(Навоий) аввал назмеким, ўрганибмен, бу ... матлаъдур. Ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқимоқ таклифи қилиб, баъзи ҳайрат изҳор қилурлар эрди ва маснавийлари ҳазрати мавлоно Жалолиддин Румий(қуддиса сирруҳи) маснавийларининг вазнидаким “рамали мусаддас” дерлар воқеъ бўлубтур...”.[23]

“Қутбул-аброр, ғавсул-ахёр ҳазрати Шоҳ Қосим Анворнинг асл номи Муъинуддин Али бўлган. Илоҳий шаробнинг ул сармасти Табризнинг Сароб қарясидандир. Уч яшарлик чоғларида, ки гўдаклик олами фасли баҳорининг аввалидир, дил ғунчалари илоҳий ғойиб иноятн қўрқинчидан гул очиб, жаннат боғининг ниҳоли гулбунини камолот даражасига етказдилар. Риёзат мартабаси шундай даражага етказилган эдики, гўдаклик айёми оламида илми ладуний ҳосил қилинган эди. Чунончи, ўзлари бу ҳақда қуйидаги икки байтда ишорат қилганлар.

Маро илми азал дар сийна доданд,
Ажаб илме, вале дарсе надоданд.
Маро сесола ҳоле гашт маълум,
Ки шайх чилларо дилраси надоданд.

[22] Кўрсатилган асар.-Б.77.
[23] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис.Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.9.

(Менга илми азални сийнамга солганлар, Ажаб, илми дарсийни бермаганлар. Уч яшарлигимда шундай бир ҳол маълум бўлди, Ки шайх чиллани дилимга яқинлаштирмаган.)

Шоҳрух Мирзо салтанати аёмида ул ҳидоятпаноҳ (Қосим Анвор) сулукнинг мустақим соликлари шоҳрухининг карвонбошиси эрдилар."[24]

"Алишернинг дастлабки ёзган форсча шеър қайси эканини ҳозир аниқлаш қийин, албатта. Аммо бу вақтда шеъриятнинг мавзуи, ғоялар доираси ва шакли жуда қатъий традицион (камдан-кам истисноларни эътиборга олмаганда) бўлганини кўзда тутсак, шу билан бирга Амир Қосим Анвор - биринчи бўлиб Алишер ёд олган шоир, Мир Шоҳий(Сабзаворий) эса - Алишер билан дастлабки хат-мактуб ёзишган шоирлардан бири эканини эсга олсак, Алишернинг даставвал шу икки шоирга ўз ижодида эргашганини тахмин қилиш хато бўлмайди. Бу фикрни тасдиқлайдиган яна бир далил бор: Навоий ҳақиқатан ҳам бу икки шоирга татаббулар қилган (яъни уларга эргашиб, улардан мавзу олиб шеър ёзган) ва бу шеърларини кейинроқ ўзининг форсий шеърлари девонига киргизган".[25]

Навоий маънавий устози Қосим Анвор қабри бошида йирик мақбари қурдиради. *"Ва ул ҳазратнинг муборак марқади Жом вилоятида Харжурд қасабасидадур. Ва фақир (Навоий) ҳам ул остона жорубкашларидинмен(мақбара ходимларидан)", - дейди шоирлар султони.*

Шоир, арузшунос олим ва хаттот бўлмиш **Мавлоно Яхъё Себак** Туффоҳий, Фаттоҳий, Хуморий ва Асрорий тахаллуслари билан ижод қилган. Алишер Навоий Яҳё Себакнинг шогирди Дарвеш Мансурдан аруз илми бўйича таҳсил олгани учун ўзини восита билан маънавий устознинг шогирдиман деб таъкидлаган*: "Бу фақир аруз фанида восита била Мавлоно(Яҳъё Себак)нинг шогирдимен."*[26]

"Мажолис ун-нафоис"нинг иккинчи мажлиси аввалида Навоий устоз ва буюк муаррих **Шарафуддин Али Яздий** билан олти яшарлигида учрашганини эсга олади: *"Фақир(Навоий)*

[24] Шарофуддин Роқимий. Тарихи томм. Т. Маънавият, 1998.-Б.30-31.

[25] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1969.-Б.81-82.

[26] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис.Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.16.

алар(Яздий) сори борурға муваффақ бўлдум. Ҳар неким сўрдилар жавоб айтдим. Табассум қилиб таҳсин қилдилар, дағи сўрдиларким, мактабға боришмусен? Дедимким: боришмен. Дедиларким: не ергача ўқибсен? Дедимки: "Таборак" сурасиғача. Дедиларки: бу жамоат атфолидин(болаларидан) биз тилаганда, сен келиб биз била ошно бўлдунг, сенинг учун фотиҳа ўқули деб ўз фотиҳаларига мушарраф қилдилар". Бу билан шоир нафақат Яздийнинг дуосини олди, балки кейинчалик улуғ устознинг "Қасидаи Бурда" ҳамда "Асмоуллоҳ" асарлари шарҳлари ва "Зафарнома" каби китобларини катта қизиқиш мутолаа қилди, муаммо илмига бағишланган асарига қайта-қайта мурожаат қилди: *"Бир кун бу фақир(Навоий)ни муаммо фикри бу водийға солиб эрдиким андин бериким,* ***устоди фан Мавлоно Шарафуддин Али Яздий*** *(раҳматуллоҳи) бу фанни тадвин қилиб, бу фан аҳлининг отин тиргузди...",* деб таъкидлаш баробарида шоирлар султони Яздийнинг муаммо илмига оид рисоласини ҳам ўқиди.

"Тақдир Алишер Навоийни замонанинг улуғ ва шарафли кишиларига яқин қилди, устоз-мураббийлик этувчи зотлар билан ошно этди".[27] Навоий Машҳад мадрасаларида таҳсил олиб юрган кезларида ана шундай улуғ сўз санъаткори машҳур устоз шоир **Шайх Камол Турбатий** билан учрашиш бахтига муяссар бўлади: "*Фақир (Навоий)нинг а (Турбатий)ни кўрарга кўп орзум бор эди, ошнолиғ бу навъ воқеа бўлдиким, Султон Абу Саид Мирзо замонида ғариб ва хаста бир буқъада йиқилибб эрдим. Қурбон вақфаси бўлди, оламнинг ақсо билодидин халқ имом равзаси тавофиға юз қўйдилар... Жамоат маволиваш эл сайр қилиб, деворда битилган абётни ўқиб, бир байт устида баҳсга тушдилар. Бир улуғ кишиким, ул жамоат анго тобеъ эрдилар, ул жамоатни илзом қилди. Фақир заъф ҳолида ул жамоат жонибин сўз айттим. Анга дедиларким: бу бемор йигит ҳам бир сўз айтадур. Ул улуғроқ киши худ Шайх Камол эрмишким, зиёратга келган эрмиш! Бошим устига келиб, мабҳасни ораға солди. Фақир жавоб бергач, ўз сўзидан қайтиб, таҳсинлар қилиб, ҳолимни тафаҳҳус қилди. Эрса ул ҳам фақирни эшитган экандур ва кўрар ҳаваси бор экандур. Хушвақт бўлуб, дилжўйлуғлар қилиб, қошимға ўлтурди..."*[28] Навоий ва Шайх

[27] Маънавият юлдузлари. Т. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ДИН, 2011.-Б.229.
[28] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.39.

Турбатий ўртасидаги устоз-шогирдлик ва шоир ибораси билан айтганда, “ошнолик” муносабатлари ана шундай бошланган эди. Шоир “Мажолис ун-нафоис”да у ва устоз шоирлар Мавлоно Абдусамад Бадахший ва Муҳаммад Муаммоий ўртасида “ошнолик” ва “улфат”лик борлигини зикр этади.

МУҲЙИДДИН ИБН АРАБИЙ НАВОИЙНИНГ МАЪНАВИЙ УСТОЗИМИ?

Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида “Футуҳот” асари номини алоҳида зикр этган ва Абдураҳмон Жомий устозлигида Ибн Арабий каби тасаввуф алломалари таълимотларини ўзлаштирган,[29] асарларини ўқиган. “Футуҳот”нинг тўлиқ номи – ***“Футуҳот ал-Маккия”*** (“Маккада очилган кашфиётлар”) бўлган асарнинг муаллифи Муҳйиддин ибн ал-Арабийдир. Бу тасаввуфий асарда олим ваҳдат ул-вужуд назариясидаги тажаллий, аъёни собита, ҳазароти хамс, зот ва сифот, валийлик ва нубувват, олами хаёл ва олами сувар каби тушунчаларга изоҳ берган. Насафийнинг ёзишича, Ибн Арабий(1164-1240)нинг “Футуҳоти ал-Маккия” ва “Фусус ал-ҳикам” фалсафий асарлари Мағриб ва Машриқ олимлари ўртасида маълум ва машҳур бўлган. Бу асарлар узоқ асрлар давомида Шарқ ва Ғарб олимлари, руҳонийлар ўртасида қизғин баҳс-мунозаралар уйғотди. Баъзи сўфийлар Ибн Арабийни авлиёлар устози, пайғамбарлар даражасидаги улуғ сиймо деб билишса, бошқалар уни ислом динининг душмани деб ҳисоблаганлар. Навоийнинг айтишича, *“ваҳдати вужуд қойилларининг қудвасидур. Зоҳир фуқаҳо ва уламосидин кўп анга таън қилибдурлар. Фуқаҳодин оз ва сўфийдин жамоати ани бузург тутубдурлар. (Уни юксак эҳтиром билан улуғладилар, сўзларини мақтаб, мадҳ этдилар, баланд мартабасини сифатладилар, беҳисоб кароматларидин хабар бердилар). Имом Ёфиъий ўз тарихида шундай зикр қилган. Аларға ашъори латиф, ғариб ва ахбори нодир ажиб бор. Ва мусаннафотлари кўп бордур”(“Насойим ул-муҳаббат”дан).* Е.Э.Бертельс манбалар асосида ёзишича, буюк мутафаккир Абдураҳмон Жомий ва ундан аввалги улуғ олимлар Ибн Арабий асарларини тасаввуф илмида

[29] Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърият. Т:Ғ.Ғулом номидаги НМБ-1991.81-б.

Қуръон ва ҳадиси шарифдан кейинги асосий қўлланма деб билишган. Ибн Арабий умри давомида 400 га яқин асар ёзган. Аммо унинг энг машҳур асарларидан бири “Футуҳоти ал-Маккия” –Худои таоло қудрати ва мўъжизаларини, илми ғайб сирларини фақат валий одамларга очувчи қомусий асар ҳисобланади. Ибн Арабийнинг мазкур асарида Ҳақ таолога етишишнинг манзиллари ва мақомлари ҳамда ҳол илми ҳақида сўз юритилади. Алломанинг айтишича, Аллоҳ таолога етишиш йўлларида 19 мақом, 360 манзил ва карвонсарой бор. Манзиллардан бири-ишонч-эътиқод; иккинчиси-сабр; учинчиси-итоат; тўртинчиси-шукр қилмоқдир. “Футуҳот”да Ибн Арабий тасаввуфнинг икки қутби-ал-фақр ва ал-зикр ҳақида гапиради. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да “Футуҳот”дан иқтибослар келтирган.

Қилса “Футуҳот”ни гоҳи савод,

Топса футуҳотидин эл юз кушод.(“Ҳайрат ул-аброр”, 12-мақолот).

“Футуҳот” асари мазмун-моҳиятини камдан-кам одам, сўфий ёки олим тушунган. Шунинг учун бу асарга йирик уламолар томонидан кўплаб шарҳлар ёзилган. Абдураҳмон Жомий Тошкентдаги учрашувларидан бирида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга “Футуҳот” ва унинг мураккаблиги бўйича савол беради: “Бир куни Ҳазрати Махдум (Жомий) Ҳазрати Эшон(Хожа Аҳрор)га айдиларким: “Бизга “Футуҳот”нинг баъзи жойларида мушкул масалалар бордурким, онинг ҳалли тааммул ва мутолаа била муяссар бўлмастур”. Ҳазрати Эшон мани (Сафий) амр этдилар, то “Футуҳот”ни мажлисға келтургайлар. Ва Ҳазрати Махдум ул маҳалниким, мушкулроқ эрди, топиб арзға етуштурдилар ва иборати Ҳазрати Шайхни ўқудилар. Ҳазрати Эшон айдиларким; “Лаҳзае китобни қўйунг, то бир муқаддима баён этурмиз”. Бас, “Футуҳот”ни қўйдилар. Тамҳиди муқаддамот этуб кўб ажиб ва ғариб сўзларни айдилар. Ондин сўнг айдиларким, “Эмди китобға ружуъ қилурмиз”. Вақтиким, китобни очдилар ва мулоҳаза этилди, мақсуд бағоят зоҳир ва возиҳ бўлди”.[30] Мазкур мажлисда Хожа Аҳрор Валий “Футуҳот” билимдони сифатида намоён бўлган.

[30] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т: Абу Али Ибн Сино-2004.188-б.

Ал-Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам”(“Ҳикматлар жавоҳири”) асари Навоий асарларида “Фусус” номи билан қайд этилади. Муҳйиддин ибн Ал-Арабий бу асарида ваҳдат ул-вужуд назариясини Қуръони Каримда номи келтирилган пайғамбарлар ҳаёти билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да мазкур китоблар ҳақида шундай дейди: “*Ҳазрат Махдумий(Абдураҳмон Жомий)* ***“Нафоҳат ул-унс”****да бу навъ дебдурларки, тўинларнинг улуғроқ таъни аларға* ***“Фусус ул-ҳикам”*** *китобидур. Ва ҳамоноки, аларнинг таънининг маншаъи ё таассубдур, ё иттилўлари адами, аларнинг мусталаҳотиға ё маоний ё ҳақойиқ румузики таснифларида дарж қилибдурлар, батахсис “Фусус”да ва “Футуҳот”да. Ва бу маъно ул мартабадурким, бу тоифадин(тасаввуф аҳлидан) ҳеч қайсининг ҳеч китобида топилмас. Ҳам ул Ҳазрат(Жомий) дебдурларки, бу фақир Хожа Бурҳониддин Абу Наср Порсодин бу навъ истимоъ қилибменки, дер эрдиларки, бизинг волидимиз (Хожа Муҳаммад Порсо) буюрурлар эрдики, “Фусус”-жондир, “Футуҳот”-дил”.*

...Ҳазрат Махдумий аларнинг мусаннафотидин “Фусус”ни шарҳ қилибдурлар... Ва “Футуҳот”ни доим мутолаа қилурлар ва ўз мусаннафотларида “Футуҳот”дин кўп келтурубдурлар. Ва Ҳазрат Шайх(Арабий) таърифида “Нафоҳат ул-унс”да кўп сўзлар дебдурлар. Тилаган киши анда топар”. Араб тилидаги мазкур китобга 120 дан ортиқ шарҳ ёзилган.

Бундан ташқари Навоий “Мажолис ун-нафоис”да Шайх Садриддин Равосий “Фусус”дан дарс ўтганини ва мажлисда шоирлар султони қатнашганини ёзади: *“...Шакли дилписанд ва ҳақойиқ ва маориф айтмоғи дилфириб эрди. Шариф суҳбатиға фақир мушарраф бўлдум. Бадахшон шоҳигаким, анга мурид бўлуб эрди. Фусус”дин дарс айтур эрди, кўнглимни(Навоийнинг) басе сайд қилди”.* Умуман олганда, кўплаб шайхлар “Футуҳот” ё “Фусус” китобларидан дарс ўтгани “Насойим ул-муҳаббат”да қайд этилган. Албатта ўз ўрнида айтиш лозимки, бундай асарларни ўқиш ва ўрганиш сўфийлар камолотига хизмат қилган.

“Фавойид ул-кибар”даги бир ғазалда юқоридаги “Фусус” асари номи қайд қилинган қуйидаги байт бор:

Навоий англаки, боби вафо ёзилмайдур,

Агар “Фусус” дурур, гар “Нусус”у йўқса, “Фукук”. (“Фавойид ул-кибар”,322-ғазал)

Бундай диний-фалсафий китоблардан мукаммал хабардорлиги Навоийнинг ушбу байтлари орқали яққол кўзга ташланади.

Юқоридаги байтда номи айтиб ўтилган “Фукук” асарининг тўлиқ номи ***“Ал-фукук фий мустанадоти ҳикам ил-Фусус”*** (“Фусус ул-ҳикам”даги маъно дурдоналарини очиш китоби)дир. Ибн ал- Арабийнинг шогирди Садриддин Қунавий “Фукук”да “Фусус ул-ҳикам”га мухтасар шарҳ ёзган. ***“Нусус”*** (“Матнлар”) ҳам Қунавий асари бўлиб, ушбу китоб “Фусус ул-ҳикам” маънолари хазинасининг очилиши учун бир калитдир, дейди муаллиф.

Шайх Муъаййадуддун Жандий ҳам Навоий таъбири билан айтганда, *“Шайх Муҳйиддиннинг кутубидин **“Фусус ул-ҳикам” ва “Мавоқиъ ун-нужум”**га шарҳ битибдур. Ва барча шориҳлар шарҳининг маъхази анинг шарҳидур”.* “Мавоқиъ ун-нужум”(“Юлдузларнинг ўрни”) рисоласи Ибн Арабий қаламига мансуб бўлиб, унда коинот сирлари ва юлдузлар олами ҳақида маълумотлар берилган. Ўрта асрлар Шарқида Шайх Жандий изоҳи энг яхши шарҳ деб баҳоланган.

Амир Саййид Али Ҳамадоний “Фусус”ни шарҳлаган тасаввуф алломаларидан бири ҳисобланади: “*Улуми зоҳирию ботинида жомеъ эрмиш. Ва аҳли ботин улумида мусаннафоти бор: **“Асрор ин-нуқта” китобидек ва “Асмоиллоҳ” шарҳидек ва “Фусус ул-ҳикам” шарҳи ва “Қасидаи хамрияи Форизия”** шарҳидек ва булардин ўзга ҳам”,* - деб ёзади ғазал мулкининг султони.

Шайх Камолиддин Абдураззоқ Коший ҳам “Фусус”га шарҳ ёзган. *Навоий Коший “зоҳир ва ботин улумиға жомеъдур. Ва кўп таснифоти бор, **“Таъвилот” тафсиридек, “Сўфия истилоҳоти” ва “Фусус ул-ҳикам” шарҳидек ва “Манозил ус-соирин” шарҳидек...”,*** деган.

Мухтасар айтганда, Навоий маънавий устози Ибн Арабий асарларини севиб мутолаа қилган.

ШАЙХ ФАХРИДДИН ИРОҚИЙ ВА НАВОИЙ

Улуғ аллома, тасаввуф олими ва ислом шоири Фахриддин Ироқий (1213-1289) асарлари Шарқда асрлар мобайнида шеърият

ихлосмандлари, зиёлилар, дарвишлар томонидан қўлдан қўймай мутолаа қилинган. Алишер Навоий ҳам бу улуғ зотнинг “Ламаъот” асари ва шеърларини катта иштиёқ билан ўқиган, ижодини тадқиқ этган. Бир сўз билан айтганда, “Ламаъот” - шоирлар султонининг энг севимли асарларидан бири бўлган.

Фахриддин Ироқий ўз замонининг машҳур шайх ул-машойихларидан бири бўлгани тарихдан маълум. “Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий таъбири билан айтганда, бу улуғ зот *“беназир ва ягона, миллат ва диннинг фахри бўлмиш Шайх Ироқийдирким, сўзларида маънолар, жумлаларида фикрлар порлаб турган асарлар эгасидир”*.

Улки фано куйида боқий эди,
Фахри замон Шайхи Ироқий эди.
Кўнгли анинг махзани асрори ишқ,
Нутқи анинг абри гуҳарбори ишқ.
Ишқ ўтидин анга мухаммар сиришт,
Ишқ ҳуруфидин анга сарнавишт.
Лек бу ишқ ўтини даъво била,
Ёпиб эди пардаи тақво била.

Шайх Ироқий болалигидан Қуръони Каримни ёд олган. Шайх илоҳий китобни ўқиганда, ҳамшаҳарлари-ҳамадонликлар ҳайратга тушишган: “*Кичик ёшида Қуръони ҳифзи қилиб эрди ва асру хую ўқур эрди...Барча Ҳамадон аҳли анинг шефтаси эди”,* дейди бу ҳақда Навоий. 17 ёшидан бошлаб эса у Ҳамадон мадрасаларида дарс берган. Кейинчалик тариқат йўлини танлаб, сўфийлар сафига қўшилган. Мўлтон шаҳрига бориб, Шайх Баҳоуддин Закариё суҳбатига етиб, унга мурид тушган. “Насойим ул-муҳаббат”да нақл қилинишича, “*Дерларки, чун Шайх (Баҳоуддин Закариё) а (Ироқий)ни хилватқа ўлтуртти ва онинг чилласидин бир важҳ ўтти. Анга важде (илоҳий жазава) етиштики, ҳоли муставли бўлди (илми ҳолни эгаллади) ва бу ғазални дедики,*

Байт: ***Вақтики, қадаҳға шароб қўйдилар,***
Аввало маст соқий кўзидан қарз олдилар.

Шайх (Ироқий) ушбу шеърни баланд овоз билан ўқир ва йиғлар эди. Бу ҳолни хонақоҳ аҳли кўриб, бу ҳолат “дарвешлар тариқининг хилофи топтиларки, Шайх (Ироқий) тариқи хилватда зикру муроқаба иштиғолидин ўзга иш бўлмас эрди. Ани инкор

суратида Шайх (Баҳоуддин Закариё) арзиға еткурдилар. Шайх дедики, сизларга булардин манъдур. Ан(Ироқий)га манъ йўқдур. Неча кун мундин ўтти, Шайхнинг муқаррибларидин бирининг гузари хароботқа тушти. Эшиттики, ул ғазални харобатийлар чангу чағона била ўқур эрдилар. Шайх (Закариё) деди: Не эшиттинг, адо қил! Бу ғазал адосида тафаҳҳусқа чун еттиким,

Байт: ***Ўз сирларини ўзлари фош этиб,***
Ироқийни нега бадном қилдилар?

Шундан сўнг Баҳоуддин Закариё Ироқийнинг манзилиндлар Харобатига йўл олади. Ироқий ташқарига чиқиб, улуғ шайхнинг оёғига бошини қўйди. Шайх муборак қўли билан шогирдининг бошини тупроқдан кўтариб, унга дарвишлар хирқаси кийгизади. Фахриддин Ироқий йигирма беш йил Шайх Закариёга хизмат қилади. Устози вафотидан сўнг уни ўз ўрнига халифа қилиб қолдиради. Бироқ, *“риёйи сўфилар Шайхнинг илтифотин бу мартабада анинг жониби кўрдилар. Ҳасад ирқлари ҳаракатга келиб, вақт подшоҳиға еткурдиларки, анинг аксар авқоти (вақтини) шеър била ўтар ва соҳибжамол йигитлар била суҳбат тутар. Ан(Фахриддин Ироқий)га шайх хилофати истиҳқоқи йўқдур. Чун шайх Ироқийға бу маълум бўлди. Ҳарамайни шарафайн (Ҳаж) сафари ихтиёр қилиб, ул давлатқа мушарраф бўлғондин сўнгра Рум сори тушти”.* Шундай қилиб, ҳасадгўйлар фитнасидан қочган Фахриддин Ироқий Макка зиёратига бориб, Бағдодда Шаҳобиддин Суҳравардий суҳбатидан баҳраманд бўлган. Кейин Рум (Салжуқийлар пойтахти Кўнё шаҳри)да Садриддин Кўнявий ҳузурига борган ва у ерда эса “Ламоъат” асарини ёзган. “Насойим ул-муҳаббат”да зикр этилишича, *“Шайх Садриддин Қўнявий суҳбатиға етиб, тарбиятлар топти ва жамеъки Шайх хизматида “Фусус” ўқийдур эрдилар, истимоъ қилдилар (тингладилар) ва анинг истимоъи асносида “Ламоъат” битиди ва Шайх назариға келтурди. Шайх писанд қилиб, қабул рақамин ул шариф рисолаға тортти”. “Ламаъот”* (“Шуълалар”) рисоласи Аҳмад Ғаззолийнинг “Ас-савонеҳ фи маоний ул-ишқ” (“Ишқ маънолари ва воқеалари”) ҳамда Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг *“Фусус ул-ҳикам”* (“Ҳикматлар гавҳари”) асарлари таъсирида ёзилган, 28 ламъага бўлинган бу асарда ишқ жараёни ва ошиқлик ҳолатининг муайян кўриниши акс этган. Абдулла Аъзам Е.Бертельснинг

фикрига таяниб, *“Фахриддин Ироқийнинг соф фалсафий асари “Ламаъот” Ибн ал-Арабийнинг “Фусус ул-ҳикам” рисоласининг назмдаги баёнидан иборат”*, деган.

Фахриддин Ироқий умрини охирида аввал Миср ва Шомга бориб, кейин Дамашқда муқим яшаб қолади.

Дарвоқе, Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асаридаги Шайх Фахриддин Ироқийга бағишланган мақоласини “Ламоъат” соҳибидур”, деган таъкиддан бошлагани ҳам бежиз эмас. Негаки, ўрта асрларда бу китоб шайхнинг номи каби жуда машҳур бўлган. Ҳатто “Мажолис ун-нафоис”да ёзилишича, Бобур Қаландар номи билан танилган темурий мирзо Абулқосим Бобур сингари ҳукмдорлар ҳам ““Ламоъат” мутолааси билан машғул бўлишган. Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида қайд этилишича, “У (Абулқосим Бобур) нафсий фазилатлару унсий хислатлар билан безанган бўлиб, фақирлар ҳамда авлиёлар сўзларига ғоятда майл кўргазар ҳамда “Ламоъат”, “Гулшани роз” (асарлари)нинг аксар мавзуъларини ва “Фусус ал-ҳикам”нинг фойдали (фикрларини) ҳумоюн хотири лавҳасига битар эди”.

Албатта, дастлаб, Абулқосим Бобур қўлида кўрган “Ламоъат”ни Навоий кейинчалик Абдураҳмон Жомий ҳузурида катта иштиёқ билан ўқиб, ўрганган. “Хамсат ул-мутахаййирин”да ёзилишича, ул вақтда Навоий Жомий ҳузурида тасаввуф рамз ва истилоҳларидан дарс тинглар эди. Шоирлар султонида Фахриддин Ироқийнинг “Ламоат” асарини ўқиш ва моҳиятига етиш орзуси уйғонади. Бир куни устозига бу ҳақда айтади. Жомий “Тариқат машойихининг форсча китоблари ва рисолалар кам ўрганилган, аммо ушбу асарни билмоқчи экансан, санга уни тушунтиргум бўлсин”, дейди ва ушбу китобдан сабоқ беришга киришади.

Абдураҳмон Жомий сабоқлари мобайнида бу асарнинг мазмун-моҳиятини шогирдига тушунтириб борарди. Бир неча дарсдан сўнг китобга ёзилган шарҳларга эҳтиёж сезилади. Шайх Ёрали ва бошқаларнинг “Ламоъат”га ёзган шарҳларини кўздан кечира бошлайди. Аммо бирортасидан кўнгили тўлмайди. Мазкур китобларда “Ламоъат” мукаммал шарҳланмагани ва қатор қусурлар кўзга кўзга аён ташланади. Шунда Жомий “бу сўзнинг ва ул сўзнинг аросида кўп фарқ бор. Ҳамоноки, маънисиға етмай шарҳ

битибтурлар” деган шориҳларнинг камчиликларини топиб. Шундан сўнг Навоий устозига “Ламоъат”га мукаммал шарҳ ёзишни илтимос қилади: “Мундоқ нафис ва мушкул китобдин фақире баҳра топай деса ва шарҳ бу шарҳлар бўлса, оё, не чора қилғай? Магар ҳам ҳазрати Махдум (Жомий) шафқат юзидин толибларға бу мушкулни осон қилғайлар”.

Шогирди илтимосидан сўнг Жомий “Ашиъат ул-ламаъот” номли махсус шарҳ китоб ёзади. Навоий мазкур шарҳ “бу тоифа кутуб ва расоили аросида маълум эмаски, ҳаргиз андоқ шарҳ қаламға келмиш бўлғай – бунёд қилдилар”, дейди.

Ҳолбуки, асарнинг тили оғир, услуби мураккаб, рамзларга бой бўлгани учун Навоий ушбу рисола мазмун-моҳиятини унга ёзилган шарҳлар орқали тушунишга ҳаракат қилган. Айниқса, Жомий томонидан ёзилган шарҳ – “Ашиъат ул-ламаъот” (“Ёрқин шуълалар”) орқали “Ламоъат” сир-синоатлари ва яширин маъно қатламлари очила бошлаган:*“...Ҳазрати шайх ул-машойих Фахр ул-миллати вад-дин Ироқийнинг “Ламаъот”идурким, Ҳазрати Маҳдум(Жомий) ул китобни бу фақир(Навоий)ға сабақ айтурда айтур эрдиларким, “Бу китобни нодон ва беандом таврлиғ (қўпол хулқли) ва ноҳамвор (номувофиқ) равишлиқ элнинг кўпроқ машғуллуқ қилғони хавос (хослар) аҳлида бадном қилғон эрмишким, баъзи ўқимас эрмишлар. Бу жиҳатдин бу китобнинг хўблиқлари яшурун қолғон эрмиш”. Асру изҳор хушҳоллиқ ва сурур қилурлар эрди, шарҳ битмагига дағи бу боис бўлди. Ва ул шарҳнинг фиҳристини бу рубоий била ибтидо қилиб турарларким:*

Рубоий(Таржимаси):***“Доимий карам ва доимий саховат каби***
Агар қадимийлик сирринг нури бўлган “Ламаъот” бўлмаганда эди, Ёмонлик зулматларидан ким бизни чиқариб олардию,
Ким бизни қадамлар тойилишидан қутқарарди?!”

Мазкур “Ашиъат ул-ламаъот”ни ёзиш жараёнида “Фусус” ва “Футуҳот” ва “Нусус” ва “Фукук” ва аксар тасаввуф алломаларининг китоблари Жомий қаршисида турган. Аммо бу рисолалардан фойдаланишга у эҳтиёж сезмаган. Навоий устози Жомий ҳузурида унинг шарҳ-китоби ёрдамида “Ламоъат”ни ўқиб тугатади ва бу рисола ҳақида шундай деган: “Бировки ул китобни ўқуса, фақир бу варақда битилган сўзлардин нишонлиғ сўзлар

топар ва мундоқ давлатға абнойи замондин оз киши, балки ҳеч киши мушарраф бўлмайдир”.

М.Имомназаровнинг ёзишича, “Навоий Ибн ал-Арабий (1165-1240) ирфонини Ироқий талқинида (“Ламаъот” асари асосида) Жомий ёрдами билан чуқур ўзлаштиргач, кейин қушлар тилида ("Лисон ут-тайр") достон ёзишга киришди. Шу сабабли айтиш мумкинки, Алишер Навоий асари зоҳиран, Аттор асарига таянган бўлса, ботанан, мазмун-моҳиятига кўра, Ироқий қарашларини ривожлантирган.

Е. Э. Бертельс 1941 йилда “Навоий дунёқарашига доир” деб номланган мақола ёзиб, унда шоир ижодига Ибн ал-Арабий ва Фахриддин Ироқийлар таъсирини алоҳида таъкид этган ва бу масалани жиддий ўрганишга чақирган эди. Аммо ҳанузгача на навоийшунослар, на жомийшунослар ушбу муҳим муаммога эътибор бергани йўқ”.

Албатта, “Асл сўфийлар инсонларни “мажоз”га (суратга) маҳлиё бўлмай, Ҳақиқатни қидиришга, “маъно”га интилишга чақирадилар. Ҳаққа етишган инсон – Комил инсон, Орифдир. Аммо XIII асрга келиб, Авҳадиддин Кирмоний (вафоти 1298 йил), Фахриддин Ироқий каби сўфийлар ижодида муаммонинг идроки теранлашди. Ибн ал-Арабий ғоялари таъсирида “Ламаъот” асарини ёзган Ироқий “ҳақиқат” ва “мажоз” нисбатини денгиз ва тузга қиёс этади. Туз денгиз суви таркибида бўлгани учун бу сувнинг ҳар қатрасида ҳам туз таъми бордир. Алишер Навоий Жомий раҳбарлигида Ироқий ирфонини махсус ўргангач, у Амир Хусрав (Деҳлавий) ва Ҳофиз (Шерозий)лар изидан бориб, “мажоз”да “Ҳақиқат асрори” (сирлари)ни кўради”.

Мухтасар айтганда, Фахриддин Ироқийнинг “Ламоъат” асари Алишер Навоийга тасаввуф илмини теран англашига кўмаклашган. Асар ғоялари буюк шоир дунёқарашини бойитиб, рисолаларида акс этган, дейиш мумкин.

III – ФАСЛ

“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ”ДА ЗИКР ЭТИЛГАН УСТОЗ ШОИРЛАР

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да Али ибн Абу Толиб, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий каби улуғ устоз шоирлар қатори тасаввуфда нозиклик ва мушкуллик чигалини ечувчи Шайх Заҳириддин Саноий, ҳақиқат аҳлининг ягонаси Шайх Авҳадиддин ва “мажоз тариқи адоси алар назмиға ғолиб” шуаро Камол Исфаҳоний, Ҳожу Кирмоний, Мавлоно Жалолиддин, Хожа Камол, Заҳир, Абдулвосиъ, Асир, Салмон Соважий, Носир Бухорий, Котибий Нишопурий ва Шоҳий Сабзаворий номларини келтириб ўтган. Иззат Султон ҳам *“Шеъриятни ўзининг ҳаёт иши деб билган Алишер Навоийнинг устодлари ким эди?” деган саволни ўртага ташлар экан, Навоий асарларида бунга қисман жавоб борлигини айтади. ““Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий шоирлар ҳақида махсус боб очиб, улардан энг улуғларига баҳо беради ва демакки, уларни (юқорида номлари зикр этилганларни) ўзининг(ҳам ҳамма шоирларнинг) устоди деб билади”.*[31] *М.Имомназаров Алишер Навоийнинг шеъриятдаги илк устозлари тоғалари “яхши табъи бор” Мир Саййид Кобулий ва “мусиқа илмидан хабардор” Муҳаммад Али Ғарибийлардир,*[32] *деб таъкидлайди.*

ИЛОҲИЙ МАЪРИФАТ КУЙЧИЛАРИ САРДАФТАРИ

Ҳазрати Али (р.а.) – Али ибн Абу Толиб (600-661) “чорёрлар” деб аталувчи тўрт халифанинг тўртинчиси. “Маҳбуб ул-қулуб”да Али (р.а.)ни Навоий илоҳий маърифат куйчиларининг сардафтари ва пешвоси деб таърифлайди ва шеърий девони борлигини айтиб ўтади: *“У кишининг шеърий девонлари бор бўлиб, унга яширинган сир ва маъноларнинг чегараси йўқдир”.*[33]

Навоий асарларида Ҳазрат Али улуғланган. Буюк шоир Ҳазрат Али(р.а.)нинг *“Унзур лимо қола ло танзур лиман қола” (Ким гапираётганига эмас, нима деяётганига қара”)* ҳикматини қуйидагича таржима қилган:

Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

[31] Султон И. Навоийнинг қалб дафтари.Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1969.-Б.98-99.
[32] Маънавият юлдузлари. Т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН, 2011.-Б.228.
[33] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб Т. Янги аср авлоди, 2019.-Б.41.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,
Кўрма ким дер они, кўргилки не дер.

СИРЛАР ЖАВҲАРИНИ ТУЗУВЧИ

Шайх Фаридуддин Аттор (1148-1221) – Муҳаммад ибн Абу Бакр бинни Иброҳим тасаввуф олими, шоир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Навоий Фаридуддин Атторни ўзининг маънавий устозларидан бири санаган. Ёшлигидан бу зоти бобаракотга ихлос қўйиб, беш ёшида "Мантиқ ут-тайр"ни ёд олган. Ҳаётининг сўнггида эса "таржума расми била" – "Лисон ут-тайр"ни яратган.

"Маҳбуб ул-қулуб"да қалам аҳлини илоҳий ишқни улуғлаган, илоҳий ва мажозий ишқни омухта ҳолда тараннум этган ва мажозий ишқни куйлаган шоирлар сифатида уч тоифага ажратиб, Фаридуддин Атторни биринчи тоифага киритади. Бу тоифанинг шеъриятдан мақсади илоҳий сирларнинг назмий талқини – маъно хазинасидан маърифат гавҳарини териб, ўқувчилар файз олиши учун назм риштасига теришдан иборат.

"Профессор Хелмут Риттер "Ислом қомуси"даги Фаридуддин Атторга бағишланган мақоласида унинг ижодий фаолиятини уч босқичга ажратади: биринчи босқичда у моҳир ҳикоянавис, иккинчи босқичда ҳис-ҳаяжони юксак бир шоир, кейин эса ҳар қандай режадан фориғ бир ҳолда асарлар яратган эркин ижодкордир. Атторга нисбат берилган "Хусравнома", "Асрорнома", "Жавҳарнома", "Мусибатнома", "Илоҳийнома", "Мухторнома", "Мантиқ ут-тайр", "Девон", "Тазкират ул-авлиё" каби ўндан ортиқ нодир асарлар ана шу уч босқичда ёзилган. Аттор бошданоқ тасаввуф, ишқ ва маърифат сирлари билан қизиққан. Сўфий, дарвеш, фақру фано аҳлининг маънавий-руҳий ҳаётига оид китобларни у алоҳида диққат билан ўқиб-ўрганган. Атторнинг ўз эътирофига кўра, валий ва эранларга бағишланган мингга яқин китобни мутолаа қилган."[34]

ЯҚИНЛИК ДЕНГИЗИ СУВЧИСИ

[34] Ҳаққул И. Мерос ва моҳият. Т. Маънавият, 2008.-Б.61-62.

Мавлоно Жалолиддин Румий (1207-1273) – буюк шоир ва мутафаккир, тасаввуфдаги машҳур мавлавия тариқати асосчиси. Жалолиддин Румийни Навоий ўзига устоз деб билган. “Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий Румийни ҳақиқий ишқни куйлаган шоирлар тоифасига қўшиб, *“Маснавий”ни ёзувчи, яқинлик денгизининг сувчиси Мавлоно Жалолиддин, яъни Мавлавий Румийдир. Бунинг шеър ёзишдан мақсади илоҳий сирларни баён қилмоқ ва чексиз маърифат тарқатмоқдир”, дейди.*

МАЪНО АҲЛИ СЎЗ ПАРДОЗЧИСИ

Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий(1203-1292)нинг “Бўстон” ва “Гулистон” асарлари ўша вақтдаёқ ва кейинги даврларда ҳам жуда машҳур бўлган. Саъдий Шерозийнинг 3 та ғазаллар девонида шеъриятининг энг гўзал намуналари жамланган. Саъдий ижодида ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқий тараннуми уйғунлашиб кетган. “Маҳбуб ул-қулуб”да Саъдий *“Маъно аҳли сўз пардозчиси”* деб таърифланади.

Саъдий асарлари Навоий ижодига катта таъсир кўрсатган. Унинг “Гулистон” асари таъсирида “Маҳбуб ул-қулуб” рисоласи ёзилган.

ИШҚ АҲЛИНИНГ САДОҚАТЛИ ОШИҒИ

Амир Хисрав Деҳлавий (1253-1325)ни Алишер Навоий ўзининг маънавий устозларидан бири ҳисоблаган.

У 1253 йили Ҳиндистонда йирик давлат арбоби оиласида дунёга келади. Асли шаҳрисабзлик бўлмиш бу зоти бобаракот “Хамса”, шеърий девонлари ва қатор асарлари билан шуҳрат топди. *“Унинг камолоти (ортиқча) шарҳ ва баёнга муҳтож эмас. Фаришташифат олам маънилари ғанимати билан бой, ийқон (имон, эътиқод) конининг гавҳари ва ирфон дарёсининг бебаҳо дуридир... Ошиқлар подшосидирким, номи ҳам Хисравдир. Сўзамоллик мулкида бу ном бенуқсондир, (шунинг учун ҳам) унинг ҳақидаги ортиқча гаплар мартабасиз (ва) унинг хусусидаги қиссани қисқа қилиш лозим.*

...Фозиллар Амир Хисрав девонини жам қила олган эмаслар, зеро инсоф юзасидан фикр қилиб кўриб, билганларки, дарё зарфга, илоҳиёт илми ҳарф қайдига сиғмас экан. Бахтиёр султон Бойсунқур баҳодир (Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли) Амир Хисрав шеърларини жамлашда кўп саъй ҳаракатлар қилди ва ўша пайтда 120 минг байтдан зиёдроқ шеъри тўпланди. Кейинчалик, (Амир) Хисрав ғазалларидан девонига кирмаган яна икки минг байтни топдилар. Тадқиқ қилиб кўрдиларки, Амир Хисравнинг барча шеърларини тўплаш амримаҳолдир. Шу сабабдан, бу ишни тўхтатган эканлар. (Лекин) Амир Хисрав рисолаларидан бирида ёзганки, менинг шеърларим 500 минг байтдан камроқ, 400 мингдан ортиқроқ деб.

...Амир Хисравнинг хос ва нозик маънилари, пуршўр ва ошиқона суханлари инсон қалбига ўт ёқиб, ошиқларнинг сабру тоқатларини зуҳур этади...”[35]

ТАСАВВУФ МУШКУЛОТЛАРИ ТУГУНИНИНГ ЕЧУВЧИСИ

Шайх Заҳириддин Саноий (1079-1140) – Абдулмажид Маждуд ибни Одам Ғазнада яшаб ижод этган. Саноийнинг катта шеърлар девони, айниқса, “Ҳадиқат ул-ҳақиқат” (“Ҳақиқатлар гулзори”) номли достони ғоятда машҳур. 12 минг байтдан иборат бу достонни адабиётда тасаввуф қомуси деб атайдилар. “Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий Заҳириддин Саноийни *“тасаввуф мушкулотлари тугунини ечувчиси”* деб қайд этади.

ҲАҚИҚАТ АҲЛИНИНГ ЯГОНАСИ

Шайх Авҳадиддин (1168-1236) – Ҳомид ибн Абуфахр Авҳадиддин Кирмоний тасаввуф намоёндаси, улуғ шайх, шоир. Шайх Рукниддин Синжонийнинг шогирди. У форс-тожик ирфоний шеъриятининг устозларидан саналади.

“Насойим ул-муҳаббат”да Шайх Авҳадиддин *“ниҳоятда улуғ киши эрмиш, гўзал шеърлари бор”,* деб таърифланган. “Маҳбуб ул-

[35] Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш-шуаро”дан) Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981. – Б.96-97.

қулуб”да эса Шайх Авҳадиддин Кирмоний *“ҳақиқат асрорига мажоз тариқин”* омухта қилган шоирлар гуруҳига киритилган.

“МАЪНОЛАРНИ ОЧИБ БЕРУВЧИ”

Хожа Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз (1321-1389) – машҳур шоир Қуръони каримни ёд олган етук ҳофиз бўлган, юқорида таъкидлаганимиздек, тахаллуси ҳам ана шу фазилатидан олинган. Ҳофизни ўз давридаёқ “ринд” деб аташган эди. Бунинг боиси кўпроқ унинг шеъриятда жаранглаган журъатли овози, ҳур ва дадил фикрларидир. Ҳофиз ғазалларида ирфоний ғоялар, тасаввуфга эътиқод устунлик қилади. Алишер Навоий лирик шеъриятда Ҳофизни ўз устозларидан бири сифатида эътироф этган. Шоирлар султони “Маҳбуб ул-қулуб”да Ҳофизни “маъноларни очиб берувчи” деб таърифлайди.

“СУХАНИ ҒОЯТ НОЗИК”

Камол Исфаҳоний (1170-1237) – 10 минг байтдан зиёд шеърий девон соҳибидир. Шоир қасидалари фақат мадҳия руҳида бўлмай, уларда маҳорат билан замона носозликлари, илм-ҳунар аҳлининг ночорликлари, баъзи давлатмандларнинг жоҳиллиги юзасидан дадил фикрлар илгари сурилади.

“Султон Улуғбек Кўрагон Жамолиддин Муҳаммад (ибн) Абдураззоқ(Камол Исфаҳонийнинг отаси) сўзларини Камолиддин Исмоил сўзларидан ортиқ кўрар ва дердики: “Ажабо, отанинг сўзлари покизароқ ва шоиронароқ, лекин не сабабдан ўғилнинг сўзлари шуҳрат топибдир”. Бу даъво далилсиз ва у кибрланишдир, зеро Камолиддин (Исмоил)нинг сухани ғоят нозик, зоҳири осон, мазмуни терандир. Аммо подшолар сўзига шак келтирмоққа авомнинг дахли йўқ, (яъни): “Подшолар сўзи-сўзлар подшосидир”.[36]

МАЖОЗ ТАРИҚИДА ҚАЛАМ ТЕБРАТГАН

[36] Кўрсатилган асар. –Б.69.

Хоқоний Ширвоний (1120 – 1198) - косиб оиласида дунёга келади. Амакиси қўлида табиб ва шоир бўлиб етишади. Бирмунча вақт ширвоншоҳлар саройида хизмат қилади.

Хоқоний девони 17 минг байтдан таркиб топган. Унда 220 қасида, 330 ғазал, 300 рубоий, 230 форсча қитъа ва 450 арабча шеърлар бор. Хоқоний шеъриятининг кейинги давр шоирларига таъсири сезиларли бўлган. Навоий Хоқонийни мажоз тариқида қалам тебратган шоирлар қаторига қўшган.

ШОИРЛАР НАҲБАНДИ

Ҳожуйи Кирмоний (1280-1341) – *“Кирмоннинг бузургзодаларидан, фозил ва хушсухан кишидир. Даврининг фозилу мўътабарлари унинг фасоҳат ва балоғатда тенги йўқ, шоирлар наҳбанди, деб атаганлар... “Ҳумой ва Ҳумоюн” китобини Боғдодда битган ҳамда бу достонда суханворликнинг додини берган. Ўша ерда яна марғуб ғазаллар ёзган.*

Хожунинг девони йигирма минг байтдан иборат. Ҳаммаси маснуъ. (Девон) покиза қасидалар, қитъалар ва ғазаллардан тузилганки, таҳсинга сазовордир”.[37]

ТЕНГИ ЙЎҚ ШЕЪР БИЛАН

Мавлоно Жалолиддин – Ибни Жаъфар Фароҳоний (вафоти 1336) соҳибдевон шоир. Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор”ига 3 минг байтли жавоб ёзган. Шеъриятда фалсафий, диний ва аҳлоқий ғояларни тараннум этган.

“Сахий, олий ҳиммат ва мурувватли одам бўлиб, ҳамиша деҳқончилик билан тирикчилик қилган. Шоир ва олимлар хизматида бўлар, (ўзи ҳам) хушсухан шоир эди. Донишманд шайх Саъдий Шерозийга назира ёзган ҳамда шайх Низомийнинг “Махзан ул-асрор”(“Сирлар хазинаси”)ига минг байтдан ортиқ, тенги йўқ шеър билан жавоб айтган”.[38]

ПОКИЗА ВА НАФИС ҒАЗАЛЛАР СОҲИБИ

[37] Кўрсатилган асар. –Б.96-97.
[38] Кўрсатилган асар.-Б.. 81.

Хожа Камол – Камолиддин Амид XII асрда яшаб, ижод қилган шоир. Бухородан Хуросонга Султон Санжар саройига келган. У донишманд инсон, моҳир хаттот ва мусиқачи бўлган. Анварий таъсирида ёзган шеърлари анчагина. Камол Амид девони замонамизгача етиб келмаган. Улардан баъзилари тазкираларда берилган. Навоий бу шоирни мажоз тариқида шеър битган ижодкорлар сирасига киритади.

Аммо Алишер Навоий: Қомусий луғатида "Маҳбуб ул-қулуб"да Хожа Камол деганда Камол Хўжандий(1318-1401) кўзда тутилганлиги ёзилган. Хўжандда туғилган шоир Самарқанд, Хоразм ва Тошкентда таҳсил олади. У XIV асрнинг ўрталарида ҳаж нияти билан сафарга чиқиб, қайтишда Табризда яшаб қолади. "*Замонасининг улуғи, одиллар мақбули, хосу авом паноҳгоҳи, давр акобирлари сардори эди. Азиз табъи кўпроқ шоирликка мойиллиги боис, унинг шарофатли зикри шуаро гуруҳида ёзилаётир. Шайхнинг валийлик ва иршодлик даражаси ортиқ бўлиб, шоирлик (эса) у эришган мартабаларнинг пастидир...*

...Хожа Ҳофиз (Шерозий)да ғойибона шайхни (Камол Хўжандийни) кўриш ихлоси, унга эътиқод пайдо бўлиб, ҳамиша унинг шеърларини талаб қилар эди. Шайхнинг руҳлантирувчи фараҳбахш ғазалларидан унда завқу кайфият туғиларди. (Бир вақт унинг шеърларини ўқиб) бундай деди: "Бузрукворнинг табиати олий ва сўзлари покиза экан". Ва инсоф билан айтиш керакки, ундан илгари ва кейин ўтган шоирлардан биронтаси Хўжандийдан покизароқ, нафисроқ ғазал айтмаган".[39] Агар биз Навоийнинг замондоши Давлатшоҳ Самарқандийнинг Хожа Камол ҳақидаги мазкур фикрларига асослансак, шоирлар султони "Маҳбуб ул-қулуб"да Амидни эмас, балки айнан Хўжандийни "мажоз тариқи адоси назмиға ғолиб" шоирлар сирасига киритган, деган хулосага келамиз.

Аммо масаланинг яна бир томони борки, Навоий Хожа Камол деганда Машҳадда учрашган шоир Камол Турбатийни ҳам назарда тутган бўлиши мумкин.

ҚАСИДА ПАЙҒАМБАРИ

[39] Кўрсатилган асар. –Б.127-128.

Анварий – Авҳадиддин Муҳаммад Анварий (1105-1187) Султон Санжар саройи қасиданавис шоирларидан. Авҳадиддин Анварийни “Қасида пайғамбари” деб аташган. Шеърлари катта бадиий маҳорат билан ёзилганлиги, тили бир мунча оғир ва теран маъноли эканлиги эътироф этилган. Масалан Абулҳасан Фаррахоний Анварий девонини шарҳлаш учун турли фанларга оид 60 та илмий китоб, 20 га яқин девон ва илк классик шеърият билимдонлари маслаҳатларидан фойдаланган. Бу мисолдан Анварий мутафаккир шоир бўлганлиги ойдинлашади. *“Сўзамоллиги ва фазилат тарқатувчилиги таърифи ой каби равшан, замона шоирлари ичра донишманддир. Бошқа хислатларда ҳам унга тенг келадигани кам бўлган. Асли Абивард вилоятининг Меҳна ёнида жойлашган Будана қишлоғидан бўлиб, у қишлоқ дашти Ховарон саҳросидадир. (Шунинг учун ҳам) Анварий дастлаб “Ховарий” тахаллусини олган. (Кейинчалик) устоди ундан “Анварий” тахаллусини қабул қилишни сўраган”.*[40]

Навоий Анварий шеърларини севиб мутолаа қилган. Кунлардан бир куни Жомий ҳузурида ҳам Анварий қасидалари ҳақида сўз очилади. Аниқроқ қилиб айтганда, *“Алар (Жомий) бу навъ таъриф қиладур эрдиларким: “Биз а(Анварий)нинг ашъорин, батахсис қасойидин оз кўриб эрдик, бу яқинда бир-икки девони бизнинг илигимиз(қўлимиз)га тушубтур, гоҳи анга машғул бўладурбиз, баъзи ерда айтса бўлғайким, башар каломидин ўтиб, эъжоз ҳаддиға етмиш бўлғай, ғариб таркиблар ва ажиб адолар назарға келадур”.*

Чун фақир(Навоий) асҳоб орасида муттаҳам мунга борменким, Анварийға муътақиддурур (Мени Анварийга эътиқод қилишда айблайдилар) ва анинг шеърин кўп ўқур. Филвоқеъ мундоқдур (Ҳақиқатан ҳам шундай). Бағоят хушвақт бўлуб айттимким: “Илтимосим борким, ул қасидасинким будур:

Гар дилу даст баҳру кон бошад,

Дилу дасти худойгон бошад.

(Таржимаси: Агар кўнгил билан қўл –дарё ва кон бўлса, Шоҳларнинг дили ва қўли бўлади).

бир қатла ўқуб мулоҳаза қилилса”.

[40] Кўрсатилган асар. –Б.42-43.

Алар мутабассим бўлуб айттиларким: "Ажаб сўз айтдинг, биз бу уч-тўрт кунда бу қасидасин ўқуб, хушҳол бўлуб, ғоят хуш келгандин жавоб ҳам айтибмиз, - деб мусаввадани бир худранг варақда чиқариб, фақирнинг илгига бердиларким: "Ўқуб кўр". Матлаи бу эрдиким:

Ҳар киро дар даҳон забон бошад,
Дар санои шаҳи жаҳон бошад.

(Таржимаси: Ҳар кимнинг оғзида тили бўлса, Жаҳон шоҳининг мадҳида бўлсин).

Биз фақирлар не истиҳқоқ била таъриф қила олғайбиз. Мунча густоҳлиқ қилилдиким, ул қасидани сеҳр хаёл қилур эрдик, бу шеър ани паст қилғондек кўринадур, ҳамоноки мўъжиз деса бўлғай".[41]

НАВОИЙ ҚАЙСИ ШОИР ЗАҲИРНИ НАЗАРДА ТУТГАН?

Заҳир – Заҳириддин Нишопурий 12 асрда яшаган шоир ва тарихчи. *Ишқий ва ахлоқий мавзуларда пароканда шеърлари бор. Яна Заҳир Самарқандий деган (12 асрда яшаб ўтган) насрнавис бўлган. Энг муҳим асари "Синдбаднома" бўлиб, адолатли шоҳ тимсолини сержило бўёқларда яратган. Навоий бу ерда (Заҳир деганда) мажоз тариқида қалам тебратган шоирларни санаб ўтаётгани учун сўз Заҳир Нишопурий устида кетаяпти чоғи*[42]*, - дейди Иноят Махсумов.* Аммо Алишер Навоий: Қомусий луғатида Заҳир Нишопурий ўрнига "мажозий ишқни тараннум этган шоирлар сирасидан" Заҳир Форёбий номи зикр этилади. *"Шоир тез танилиб, Нишопур ҳокими Тўғоншоҳ саройига таклиф этилади. Ҳоким билан муносабатлар бузилгач, у саройни тарк этади ва Озарбайжонда Қизил Арслонга хизмат қилади. Девони қасида, ғазал, қитъа, рубоий ва таркибанд жанридаги шеърлардан иборат. Жамолиддин Исфаҳоний, Мужириддин Байлақоний, Хоқоний Ширвоний, Низомий Ганжавий, Асириддин Ахсикатий, Анварий Абивардий каби шоирларнинг издоши бўлган. Шунинг учун ҳам Навоий Заҳир Фарёбийни "Маҳбуб ул-қулуб" асарида мажозий ишқни тараннум қилган шоирлар сирасига киритади. Навоий "Ҳилолия" қасидасини Заҳир Фарёбийнинг шу номдаги қасидаси*

[41] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Бешинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.750.
[42] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т. Янги аср авлоди, 2019.-Б.295-296.

таъсирида ёзган.[43] Демак Навоий Заҳир деганда Фарёбийни назарда тутган.

АБДУЛВОСЕЪ ЖАБОЛИЙ

Абдулвосеъ (вафоти 1160) – Бадиуззамон Фаридиддин ибни Умар ибни Рабеъи Гуржистоний ўз замонасида Абдулвосеъ Жаболий номи билан танилган. Ҳиротда таҳсил кўриб, Ғазна ва Машҳадда яшаган. Девони қасида, ғазал ва рубоийлардан таркиб топган. Шеърларида баҳор, наврўз, ишқу муҳаббат, дўстлик ва садоқат тараннум этилган. Навоий Абдулвосеъни мажоз тариқида ёзганлар қаторига қўшади.

ЎЗ ДАВРИНИНГ МАШҲУР ИККИ "АСИР"И

Асир – Асириддин Абдуллоҳ Амоний (вафоти 1236) араб ва форс тилларида ижод қилган, *айниқса Анварий шеърларига пайравлик қилган шоир. Содда, таъсирчан ва ширин шеърларидан тузилган девони тахминан 5000 байтни ташкил қилади. Қарийб шу даврларда яна бир Асири Ахсикатий (Асириддин Абулфазл Муҳаммад Тоҳир) деган шоир (1108-1198) яшаган. У Ҳирот ва Марвда таҳсил олиб, риёзат, тиб, нужум, ҳайъат, фалсафа, тилшуносликда шуҳрат қозонади. Маълум муддат Ироқи ажамда истиқомат қилади. Девонида 120 қасида, 220 ғазал, 80 қитъа, 80 рубоий, 4 таркибанд ва таржеъбанд, 24 фард мавжуд. Ғоялари – кажрафтор фалакдан шикоят, давлатмандларнинг ҳирсу ҳавасга ружуълари ва тамаъкорликларни қоралаб, сабру тоқат, илму донишга даъват каби фоний фикрлардан иборат. Фикримизча, Навоий Асир деганда, Асириддин Ахсикатийни эмас, Асириддин Абдуллоҳни кўзда тутган. Зероки, бу шоир Навоий тилга олган мажоз тариқида ижод қилгай шоирлар жумласидандир.*[44] Бироқ Давлатшоҳ Самарқандийнинг Асириддин Ахсикатий ҳақидаги қуйидаги фикрлари уни Навоий зикр этган "Асир" бўлиши мумкин деган фикр ўйғотади: *"...Фазл эгалари Асир(иддин Ахсикатий)нинг шоирлигига тан берар эдилар. Баъзилар унинг сўзлари Анварий*

[43] Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т. "Шарқ" НМАК БТ, 2016.-Б.191-192.
[44] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т. Янги аср авлоди, 2019.-Б.296.

ҳамда Хоқоний сўзларидан фазллироқ эканлигини айтганлар. Бошқалар (эса) бу фикрни қабул этмадилар. Инсоф билан айтганда, мазкур учала фозилнинг (ўзига хос) бир шеваси борки, бу ўзгаларда учрамайди. (Чунончи) Асириддин (Ахсикатий) сўзни донишмандона, Анварий завқ билан айтар эдилар. Хоқоний (эса) сўзга безагу оройиш беришда барчадан мумтоз эди...(Хуллас) учаласи (ҳам) маънилар дарёсининг ғаввослари эдилар ва ҳар бири ўша дарёдан кучи етганча дур олиб чиққанлар".[45]

ШУАРОНИНГ УЛУҒЛАРИДАН

Салмон Соважий – *"Шуаронинг улуғларидан...илми сиёқни ҳам яхши билган, шеъру шоирликда ўз асрининг саромади бўлган. Донишманд шайх Рукниддин Алоуддавла Симноний айтган экан: "Симноннинг анорию Салмоннинг шеърига ўхшаши ҳеч қаерда йўқ", деб. Бу гапнинг исботи – шоирнинг шеъриятда кўрсатган истеъдодидир. Фозиллар олдида равшанки, бундан зиёд ақл, ақлга сиғмайдир. Хусусан, шоир девонига кирмаган бир қасида унинг истеъдодидан ягона гувоҳдир".*[46]

КИТОБДАН БОШҚА ҲЕЧ ВАҚОСИ ЙЎҚ ЭДИ

Носир Бухорий – 14 асрда яшаб ўтган бу шоир "*фозил ва дарвиш табиат (бўлган). Фақирона сўзлари қалбга етиб боради. (Носир Бухорий) ҳамиша дарвешлар либосида саёҳат қилиб, наматдан тикилган қабо, тақия, бўз чопон кийиб юрган. Унинг китобидан бошқа бирор нарсаси бўлмаган. Мана бу қасида уникидир:*

Бил, қаноат мулки дарвеш, бешак мусаллам эрур,
Бўлса ҳам дарвеш номи ул султони олам эрур.
Мулку чарх танурида қайноқ қуёшдин кулча нон,
Аммо дарвеш супрасида чошгоҳ маҳал ул кам эрур.

Кунлардан бир куни Дажла дарёси бўйида Салмон Соважий ва Носир Бухорий учрашиб қолади. Носир Бухорий унинг ёнига келиб салом беради. Соважий сўрайди: "Сен ким бўласан?" Носир

[45] Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони ("Тазкират уш-шуаро"дан) Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981. –Б.59.
[46] Кўрсатилган асар. –Б.96-97.

Бухорий жавоб беради: “Ғариб ва шоир одамман”. Хожа Салмон Соважий уни имтиҳон қилиб деди:

Дажланинг рафтори бу йил, воажаб мастонадир?

Носир Бухорий жавоб беради:

Пойи магар занжир аро, лабда каф, девонадир?

Соважий Носир Бухорийнинг латиф таъбига офаринлар ўқийди”.[47]

ЗАМОНАСИНИНГ БЕНАЗИРИ

Котибий Нишопурий – Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Мавлоно Сиймийдан хаттотликни ўрганиб, хушхат котиб бўлиб етишгани учун Котибий тахаллусини олган. Бир неча девонлари ва маснавийлари бор. У “Мажолис ун-нафоис”да *“ўз замонининг беназири эрди. Ҳар навъ шеърғаки, майл кўргузди, анга маонийи ғариба кўп юзланди. Батахсис, қасоидда, балки ихтироълар ҳам қилди ва кўп яхши келди”,* деб қайд этилади.

ЁШ АЛИШЕР БИЛАН МАКТУБ ЁЗИШГАН УСТОЗ

Шоҳий Сабзаворий – Амир Оқмалик ибни Малик Жамолиддин Ферузкўҳий (1385 – 1453) Бойсунғур Мирзо саройи мажлислари надими сифатида темурийзода саройида хизмат қилган. Шоҳий 5-7 байтли ошиқона ғазаллар кўп битган. Шеърларига Жомий ва Навоий юксак баҳо берган. Шоирлар султони билан мактуб ёзишиб турган Шоҳий Сабзаворийни “Мажолис ун-нафоис”да *“Фароғат дўст ва хушбош киши эрди. Анинг шеъринининг чошни, салосат ва якдаст ва латофатида таъриф қилмоқ ҳожат эрмас. Ғазали гарчи оздур, аммо барча халойиқ қошида писандида ва мустаҳсандур”*, деб таъкидлаган.

НАЗМ АҲЛИ ПЕШВОСИ

Абдураҳмон Жомий (1414 – 1492) – Нуриддин Абдураҳмон ибни Низомиддин Аҳмад ибни Шамсиддин Муҳаммад Навоийнинг устози ва тариқатдаги пиридир: *“Яна ҳақиқат, инсоний севгини*

[47] Кўрсатилган асар.-Б. 99-100.

мадҳ этиш йўлида камолга эришган, илми ҳар икки йўлда ҳам мукаммал ва бекаму кўст бўлган, назм аҳлининг пешвоси ва раҳбар устози ҳазрати Шайх-ул-ислом, миллат ва диннинг нури Мавлоно Абдураҳмон Жомийдирларким, биринчи гуруҳ равишида сўзи шарафли ва сўнгги гуруҳнинг ҳам услуби гўзалликларида камол эгасидирки, дунёдаги илоҳий ҳақиқат шайдолари ҳам, пок инсоний муҳаббат аҳллари ҳам буларнинг латиф ва маънодор сўзлари билан хушнуддирлар ва тарқатган маърифатлари билан ҳузур қиладилар”.[48]

Сочиб лақаби жаҳон аро нур,
Зоти била нурун ало-нур.
Абдураҳмондин оти номий,
Лекин топиб иштиҳор Жомий.
Ҳам назминг насрдек келиб хуб,
Ҳам насринг назмдек дил ошуб.
Бу назм ила насринг сипоҳи,
Олам юзини тутиб камоҳи.
Гар “Хамса”ни этмай мураттаб,
Килкинг яна сўз қилиб мураккаб.
Ул дамки хароши хома қилдинг,
Ўзга нима нақши нома қилдинг.
Чун “Силсила” айладинг ҳувайдо,
Юз ақлни қилдинг яна шайдо.
Чун “Туҳфа”ни эл балоси эттинг,
Жон туҳфаларин фидоси эттинг.
Чун “Субҳа”ни килкинг этти тавзиҳ,
Солдинг малак ичра зикри тасбиҳ.
Чун қилдинг “Аҳсанул-қисас” фан,
Ул қисса улусқа бўлди аҳсан.
“Девон”ники айладинг муҳайё,
Сочди бошинға гуҳар сурайё.
Кўргуздинг тортмай ғаму ранж,
“Беш ганж”ларига беш ганж.
Назминг сифати баёнидан ортуқ,
Насрингники дерман ондин ортуқ.
Файзинг била баҳраманд олам,

[48] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т. Янги аср авлоди, 2019.-Б.41-42.

Олам эли поймоли, мен ҳам.[49]

“Жомий болалигидаёқ хат ўқишни ўрганиб олганлиги ҳақида маълумотлар бор. Мактабда ўқишни ҳам жуда эрта бошлаган. Абдураҳмон Ҳиротнинг Дилкаш мадрасасига қатнаб, унда араб тили грамматикаси ва араб тилида ёзилган аруз, қофия илмларига доир рисолаларни ўрганади. Кейин бадиият илми ҳақидаги китобларни шарҳу изоҳлари билан ўргана бошлайди.

...Бу даврда Жомийнинг устодлари унинг истеъдодига юқори баҳо бердилар. Унинг ҳамма нарсани дарров билиб олишлигини, чуқур ва нозик фикрлар унга тез бориб етишлигини қайд қиладилар.

...Жомий Самарқандга келиб, Мирзо Улуғбекнинг сафдошларидан бири, ўз замонасининг машҳур олими Қозизода Румий маърузаларини эшитишга муяссар бўлади. Самарқанддаги ўқиш даври ҳам жуда муваффақият билан ўтади.

...Хуллас, Жомий ўз замонининг араб тили, грамматика, синтаксис, бадиият илми, музика, математика, астрономия (фалакиёт), фалсафа, фиқҳ (дин асослари), ҳадис, қуръон ўқиш ва шарҳлаш каби фанлардан жуда чуқур ва кенг маълумот эгаси бўлиб етишади.

Жомий бир умр мутолаа билан шуғулланади. У жаҳонда энг яхши дўст – китоб деб билади.

Китобдин яхшироқ дўст йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг ҳам у ғамли бу замонда,
У билан қол танҳо ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат берар ҳар онда.

Шоир ҳаётининг кўпчилик қисмини мана шу дўстлари – китоблар билан ўтказади.”[50]

IV – ФАСЛ

РАҲНАМО ПИР-УСТОДЛАР

ШАЙХ САДРУДДИН РАВОСИЙ - АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ УСТОЗЛАРИДАН БИРИ

Ёки шоир “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотини дастлаб Шайхдан ўрганганми?

[49] Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1990.-Б.30-32.
[50] Шомуҳамедов Ш. Форс – тожик адабиёти классиклари. Т. БАН, 1963.-Б.151-164.

Темурийлар даврининг йирик шайхи ва шоири **Садруддин Равосий** Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ҳамда “Насойим ул-муҳаббат” асарларида юксак эҳтиром билан тилга олинган. У айтган ваъзлар халойиққа манзур бўлиб, мажлисига шоҳдан гадогача иштирок этган. Равосий билан суҳбатлашиш бахтига Навоий ҳам бир неча бор муяссар бўлган. Адабиётшунос Шуҳрат Сирожиддиновнинг ёзишича, “Ёш Алишернинг дунёқарашига қаттиқ таъсир кўрсатган “Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти ҳақидаги дастлабки тасаввурларни Шайх Садруддин Ривосий уйғотган: “*Шайх зебо ва раъно эрди. Шакли дилписанд ва ҳақойиқ (илоҳиёт фани) ва маориф (маърифат) айтмоғи дилфириб (жозибали) эрди. Шариф суҳбатига фақир мушарраф бўлдум. Бадахшон шоҳиғаким, анга мурид бўлуб эрди. “Фусус” (Ибн ал-Арабийнинг “Фусус ал-ҳикам” асари)дин дарс айтур эрди, кўнглимни басе сайд қилди”,*[51]дейди Навоий. *Шайх Зайниддин Хавофий халифаси* тасаввуф шайхи Равосий билан доимий мулоқотлар ёш Алишер Навоийнинг тафаккури ва дунёқараши ҳамда маънавий дунёси тараққиётида муайян рол ўйнаган, дейиш мумкин. “Фусус”дан дарс ўтган тасаввуф пирининг суҳбати бошқа муршидларнинг мулоқоти каби ўқув машғулотининг бир тури бўлиб, унда тасаввуф ғояларидан таълим берилган. Ҳатто Навоийни 10 ёшлигидан саройга хизматга олган, Бобур Қаландар номи билан машҳур бўлган темурий ҳукмдор Абулқосим Бобур ҳам “Фусус”ни ўқишни хуш кўрган: “У (Абулқосим Бобур) нафсий фазилатлару унсий хислатлар билан безанган бўлиб, фақирлар ҳам авлиёлар сўзларига ғоятда майл кўргазар ҳамда “Ламоат”, “Гулшани роз” (асарлари)нинг аксар мавзуларини ва “Фусус ал-ҳикам”нинг фойдали (фикрларини) ҳумоюн хотири лавҳасига битар эди. Байт:

У шундай некбахт (эди)ки худо уни,

Некбахтларга етказишда раҳнамо бўлғусидир.

У дарвешларнинг дилни мафтун этувчи сўзларини жону дилдан қабул қилган эди.”[52]

Садруддин Равосий улуғ шайх Зайниддин Хавофийдан таълим олган: *“Алар ўз замонларида Хуросон мулкининг шайх ул-машойихи эрдилар ва улуми зоҳирию ботиний орасида жомеъ. Ва аввал*

[51] Алишер Навоий.Мажолисун-нафоис.Т:Ғ.Ғулом номидаги БАН-1966.34-б.

[52] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд. Т.:Ўзбекистон, 2008.-Б.400.

ҳолларидин охирғача шариат жоддасиға ва суннат истиқоматиға ва мутобаатиғаки бу қавмнинг муҳаққиқлари қошида улуқроқ кароматдур, тавфиқ топибдурлар. Ва аларнинг нисбати тариқатда Шайх Нуриддин Абдураҳмон Мисрийғадур. Ва Шайх аларнинг тарбияти такмилидин сўнгра аларға иршод ижозати акмал важҳ била битибдур.”[53] Зайниддин Хавофийнинг тариқатдаги силсиласи Шаҳобиддин Суҳравардийга тақалишини эътиборга олсак, Шайх Равосий суҳравардия тариқатининг Хуросондаги йирик намояндаларидан бири бўлганлиги маълум бўлади. Алишер Навоий Хавофийнинг яна бир шогирди Дарвеш Аҳмад Самарқандийни ҳам ““Фусус” мутолааси ва дарсиға қиём кўргазур эрди”,[54] деб таъкидлаган. Шунингдек, Садруддин Равосий Самарқанд мадрасаларида ҳам таҳсил кўрган. Шайхнинг зоҳир илмида устози самарқандлик аллома Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий бўлган: *“Зоҳир улумида Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий (р.а.)ким, Самарқанд Дор ул-илмининг олими уламоси эрди, зуҳду тақвода назири йўқ эрди ва фиққда Абу Ҳанифаи соний дерлар эрдиким, бу ҳақир (Навоий) ҳам алар шогирдлиғи шарафига мушарраф бўлубмен. Ва алад-давом толиблар иршодиға машғул эрди. Ва сулук аҳли (дарвешлар) ҳамиша анинг хонақоҳида хилват ва узлат тариқини маръий тутарлар эрди.”*[55] Шайх Навоийга суҳбатлари давомида устози Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий ҳузурига бориб, таълим олишни маслаҳат берган бўлиши ҳам мумкин.

Абдураззоқ Самарқандий ҳижрий саккиз юз олтмиш саккизинчи (милодий 1463-1464) воқеаларида Шайх Равосийнинг Ҳиротга келганини зикр этади: “Шу аснода Оллоҳ раҳмат қилгур валийсифат, тўғри йўлга бошловчи Шайх Садруддин Муҳаммад ар-Равосий Жувайн вилоятидаги Шаққон қарясидан (Ҳиротга) ташриф буюрди ва Оллоҳ кўнглини пок этгур (устози) Шайх Зайнуддин ал-Хавофийнинг давр иқтидо қилгувчи бузургвор мозорини ўзининг муборак келиб тушиши билан шарафли қилди. Мисра: Сен ўтган жой – қутли манзилдир...

[53] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ТАТ, ўнинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.376.

[54] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ТАТ, ўнинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.376.

[55] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ТАТ, ўнинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.453.

Ҳазрат хилофат паноҳий (Султон Абусаид Мирзо) тўғри йўлга бошловчи жаноб Шайх Садруддинга нисбатан қадимдан мойилликка эга бўлиб, ҳазрат шайхнинг йўқлигида ҳамиша ўз эътиқодини изҳор қилар эди. У валийсифат жаноб доруссалтана Ҳиротга келган бу вақтда ҳазрат хилофат паноҳий (Абусаид Мирзо) тўла сидқу ихлос билан унинг файзбахш мажлисига ташриф буюриб, офтобдек ёрқин замирдан мадад тилади."[56] *"Баъзи мажлисида акобир, балки замон подшоҳи (Султон Абусаид Мирзо) ҳозир бўлур эрди. Ва самоъи халойиққа бағоят мўътабар ва муҳтарам эрди."*[57] Шайхга Бадахшон шоҳи ҳам мурид бўлган. Равосийнинг бундай мажлисларига кўпчилик Ҳиротликлар қатори Навоий ҳам иштирок этганини юқорида таъкидлаган эдик. Аммо Султон Абусаид Мирзо ўзидан бошқаларни Шайхнинг ҳузурига боришини истамаган: *"Замон подшоҳи ҳам шайх мулозаматиға етар эрди, ўзга халоқийға худ не етгай!"*[58] Айрим навоийшунослар мазкур фикрга асосланиб, Навоийни Самарқандга сургун этилишининг сабабларидан бири сифатида уни подшоҳга райига қарши ўлароқ, шайх суҳбатига борганлигидир, деган тахминни илгари суришади. "Шайх Садриддин Равосий шайх Зайниддин Хавофий ўринбосарларидан бўлиб, зоҳирий илмларни эгаллаган ва ботиний фанларнинг ҳам мажмуаси эди. Сўфийлиги бошида бир неча вақт Мадина шаҳрида умр кечирди ва Миср, Шом ўлкаларида чилла ўтирди.

Арабистондан қайтгач, ўзи туғилиб ўсган Исфароин шаҳрида яшади ва йўл кўрсатиш, яъни иршодга машғул бўлди. Султон Абусаид Мирзо замонида Исфароиндан салтанат пойтахти Ҳиротга келиб, истиқомат палосини ёйди. Қудратли подшоҳ ул жанобни ўз эҳсон ва марҳамат назарига илинтирди.

Шайх Равосийнинг вафоти 871 йил рамазон ойининг ўнинчисида рўй берди ва саид султон Султон Абусаид Мирзо шайхнинг тобути кейнида бориб, жаноза намозида қатнашди ва шайхнинг ўғли шайх Қутбиддин Муҳаммад Ризо марҳум отасини Жувайнга элтиб, шайхнинг ўзи қурдирган хонақоҳга дафн қилди".[59]

---

[56] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд. Т.:Ўзбекистон, 2008.-Б.551-552.

[57] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ТАТ, ўнинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.453.

[58] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1963.-Б.34.

[59] Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Т. Ўзбекистон, 2013.-Б.651-652.

Навоий Шайхнинг мажлисларида Ибн Арабийнинг “Фусус” китобидан дарс тинглаганини ёзган. Бундан ташқари, “Насойим ул-муҳаббат”да мутафаккир фикрига қўшимча қилиб, шайх “бу тоифа (сўфийлар) кутубу рисоласидин фақр аҳлиға дарс айтур эрди”,[60] дейди. Демак, Равосий таълим берган “Фусус” каби тасаввуфга оид китоблар орқали сулук аҳлига “Ваҳдати вужуд” концепцияси тарғиб қилинган: “Ваҳдат ул-вужуд” бирлик ва борлиқнинг бир бутунлигини англатувчи ва абадий ягона Аллоҳгина бор, деб ҳисобловчи таълимот. Бу таълимотга кўра, моддий олам, нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассамлашган, моддий олам Аллоҳнинг нури шуъласидир. Бу эса бутун борлиқ вужуд ягонадир, деган маънони англатиб, Шарқ ислом пантеизмига асосланади.”[61] Усмон Турар “Тасаввуф фалсафаси” китобида ёзишича, Ибн Арабий бир тизимга солган бу тасаввуфий фалсафанинг номи “ваҳдати вужуд” бўлиб, қисқа маъноси “Аллоҳдан бошқа борлиқ йўқ, бошқа барча борлиқлар унинг исми ва сифатларининг тажаллисидир”. *“Ваҳдат ул-вужуд” – (арабча жисмоний бирлик) борлиқнинг бирлиги. Аллоҳ ягона, фақат Угина реал ва абадий мавжуд, жисмоний олам ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассамлашган, моддий олам Аллоҳнинг нури, шуъласидир. У бутун борлиқнинг яратувчисидир, деб ҳисобловчи таълимот”.*[62] “Ваҳдати вужуд” фалсафаси Ибн Арабийдан кейин Садриддин Кўнявий, Фахриддин Ироқий, Абдураҳмон Жомий ва бошқа тасаввуф намояндалар томонидан шакллантирилиб, тасаввуфий тушунчага буюк динамизм (фаоллик) бахш этди. Деярли барча тариқатлар томонидан тан олинган ва тез орада кенг тарқалган бу фалсафа, асрлар мобайнида давом этиб, Эрон ва Онадўлида жўшқин ва маънодор тасаввуф адабиётининг пайдо бўлишига сабаб бўлди”.[63] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам Ваҳдатул вужуд назариясига ўз муносабатини билдириб ўтган: *““Ваҳдатул вужуд” назарияси асосан Муҳйиддин ибн Арабий ўзининг “Ал-футуҳоту ал-Маккия” ва “Фусусул ҳикам” номли*

[60] Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ТАТ, ўнинчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.453.

[61] Каримов С. Тасаввуф фалсафаси. Самарқанд, 2021.-Б.151.

[62] Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. Т. : Мовароуннаҳр, 2005.-Б.376.

[63] Турар Усмон. Тасаввуф тарихи. Т.: Истиқлол, 1999. -Б.60.

китобларида баён қилган. Бу назария ўша вақтнинг ўзидаёқ ҳамма ёққа кенг тарқалди. Айниқса, тасаввуф тариқатлари орасида бу назария танадаги қон ўрнида айланадиган бўлди. Бора-бора ваҳдатул-вужуд назарияси аҳли завқ ва таҳқиқнинг шиорига айланди. Бу назарияни инкор қилганлар ғофил киши сифатида, тасаввуфга ёт унсур сифатида қораланадиган бўлди...

Ваҳдатул вужуд назарияси, қисқача қилиб айтганда, қуйидаги фикрдан иборат: "Аллоҳ таолодан бошқа барча нарсалар шуъун ва таъйинотлар оламидир. Барча шуъун (ҳолат) ва таъйинот (жисм)лар. У Зотнинг кўринишларидир. У Зот уларда зоҳир ва аралашиб юрувчи бўлгандир. Бу аралшиб юриш ҳулул (сингиш) ва иттиҳод (бирикиб кетиш) назарияси соҳиблари айтгани каби эмасдир. Балки бу аралашиб юриш бир соннинг бошқа сонлар ичида юргани кабидир. Ҳамма сонлар бирликлардан иборатдир. Аммо оламда фақатгина бир муайян нарса ёки биттагина зот зоҳир бўлади, холос. Ана шу зот Аллоҳнинг муқаддас зоти шаклида зоҳир бўлгандир. Аллоҳнинг зоти эса кўп ададларда зоҳир бўлади. Бас, Аллоҳ аввал ва охир, зоҳир ва ботин, шериклар ва тенгдошлардан устиндир"...

Бир киши бошқа бировдан олиб, Ибн Арабийнинг "Фусусул ҳикам"ини ўқир эди. У ўз устозини Аллоҳнинг валий ва ориф бандаларидан деб билар эди. У китобни ўқиб туриб, унинг Қуръонга хилофлигини билиб қолди ва устозига: "Бу гап Қуръонга хилоф-ку?", деди. Шунда ҳалиги устози "Қуръоннинг ҳаммаси ширкдир. Тавҳид бизнинг каломимизда, холос", деди...

Аҳли тасаввуфдан биринчи бўлиб ваҳдатул вужуд назариясига қарши чиққан киши Кубровия тариқати шайхларидан бири шайх Алоуддавла Симноний бўлди. У киши ўзининг илмий баҳсларида соликнинг мақсади ваҳдатул вужуд эмас, убудият – бандалик қилиш эканини исботлади."[64]

Навоий Шайх Равосий ҳузурида тинглаган ал-Арабийнинг "Фусус ул-ҳикам"("Ҳикматлар жавоҳири") асари ўрта асрларда "Фусус" номи билан шуҳрат қозонган. Муҳйиддин ибн Ал-Арабий бу асарида ваҳдат ул-вужуд назариясини Қуръони Каримда номи келтирилган пайғамбарлар ҳаёти билан боғлаб тушунтиришга

[64] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т.: Ҳилол-нашр, 2016.-Б.229-244.

ҳаракат қилган. Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да мазкур китоблар ҳақида шундай дейди: “*Ҳазрат Махдумий(Абдураҳмон Жомий)* ***“Нафоҳат ул-унс”****да бу навъ дебдурларки, тўинларнинг улуғроқ таъни аларға* ***“Фусус ул-ҳикам”*** *китобидур. Ва ҳамоноки, аларнинг таънининг маншаъи ё таассубдур, ё иттилўлари адами, аларнинг мусталаҳотиға ё маоний ё ҳақойиқ румузики таснифларида дарж қилибдурлар, батахсис “Фусус”да ва “Футуҳот”да. Ва бу маъно ул мартабадурким, бу тоифадин(тасаввуф аҳлидан) ҳеч қайсининг ҳеч китобида топилмас. Ҳам ул Ҳазрат(Жомий) дебдурларки, бу фақир Хожа Бурҳониддин Абу Наср Порсодин бу навъ истимоъ қилибменки, дер эрдиларки, бизинг волидимиз (Хожа Муҳаммад Порсо Бухорий) буюрурлар эрдики, “Фусус”-жондир, “Футуҳот”-дил”.*

...Ҳазрат Махдумий аларнинг мусаннафотидин “Фусус”ни шарҳ қилибдурлар... Ва “Футуҳот”ни доим мутолаа қилурлар ва ўз мусаннафотларида “Футуҳот”дин кўп келтурубдурлар. Ва Ҳазрат Шайх(Арабий) таърифида “Нафоҳат ул-унс”да кўп сўзлар дебдурлар. Тилаган киши анда топар”. Араб тилидаги мазкур китобга 120 дан ортиқ шарҳ ёзилган.

Дастлаб Равосийдан таҳсил олган Навоий кейинчалик Жомий сабоқлари орқали ҳам “Фусус”ни ўрганган: Жомийнинг “Нақд ун-нусус фий шарҳи “Фусус ул-ҳикам” асари Ибн Арабийнинг машҳур “Фусус” рисоласига ёзилган изоҳдир. “Нақд ун-нусус” ваҳдат ул-вужуд таълимотидаги асосий тушунча ва атамаларнинг қисқача шарҳини қамраб олувчи муқаддима, 27 боб ва хулосадан иборат. Форс тилида ёзилган бу китобда Ибн Арабий таълимотининг асосий тушунчаларига ҳанафий мазҳабига мувофиқ изоҳланган.

Умуман олганда, Шайх Равосий каби кўплаб шайхлар “Футуҳот” ё “Фусус” китобларидан дарс ўтгани “Насойим ул-муҳаббат”да қайд этилган. Албатта ўз ўрнида айтиш лозимки, бундай асарларни ўқиш ва ўрганиш сўфийлар камолотига хизмат қилган.

“Фавойид ул-кибар”даги бир ғазалда юқоридаги “Фусус” асари номи қайд қилинган қуйидаги байт бор:

Навоий англаки, боби вафо ёзилмайдур,
Агар “Фусус” дурур, гар “Нусус”у йўқса, “Фукук”.
(“Фавойид ул-кибар”,322-ғазал)

Бундай диний-фалсафий китоблардан мукаммал хабардорлиги Навоийнинг ушбу байтлари орқали яққол кўзга ташланади. Демак, Равосий сабоқлари буюк шоир дунёқараши ва тафаккур олами тараққиётида муҳим рол ўйнаган. Бу ҳақда Иброҳим Ҳаққул шундай ёзган: *"Хамсат ул-мутахаййирин" хотимасида Навоий устози Абдураҳмон Жомий хизматида "таълим ва истифода" юзидан ўқиган ўндан зиёд китоб рўйхатини келтирадики, уларнинг аксарияти тасаввуф ҳақида... Шунингдек, Навоий Ҳужвирий, Имом Қушайрий, Суҳравардий, Имом Ғаззолий, Ибн Арабий каби ислом алломаларининг асарларини ҳам пухта билган. Навоийнинг тасаввуф билан алоқасини белгилашда бундай фактларга жиддий қараш керак. Навоийшуносликда худди шу жиҳат етарли даражада инобатга олинганича йўқ".*[65]

Ўрта асрлардаги тасаввуф пешволари каби Равосий ҳам шеър айтган, яъни тасаввуфий ғояларни шеърий тарзда ифодалаган: *"Мунча корхонаи шайхлиқ била назмға даҳи иштиғол кўргузур эрди. Бу матлаъ ҳазрати Шайхнингдурким:*

Зиҳи аз оразат чашми маро нур,
Ҳамеша аз жамолат чашми бад дур."[66]

Мухтасар қилиб айтганда, Равосий томонидан тарғиб қилинган тасаввуфий ғоялар ва унинг шеърияти буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий дунёқараши ва ижоди такомилида муҳим ўрин тутган, дейиш мумкин.

ОФОҚ МУРШИДИ

Навоий авлиёлар султонини "Сулук аҳлининг пешвоси, давр султонларининг султони, ҳақ сўзини шоҳу дарвешга бирдек етказишни ўзига бурч деб билган офоқ муршиди, замон ягонаси" деб таърифлаган. Шоир Самарқандга борганда **Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор** суҳбатларига мушарраф бўлиб, мажлисларида иштирок этган. Ўз навбатида шоирлар султони мазкур мажлисларда нақшбандия тариқатидан сабоқ олган. Ҳиротга қайтгач эса авлиёлар султони билан хат ёзишиб турган. Бу улуғ зотнинг мактуб

[65] Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. Т: Шарқ НМАК БТ-2007.128-129-б.

[66] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1963.-Б.34

орқали йўллаган кўрсатмаларига амал қилган. Навоий тартиб берган “Мураққаъ” тўпламидаги 128 та мактуб Хожа Аҳрор Валий қаламига мансубдир. *“Андоқки, ботин жамиятидаги барча абнои замондин балки кўп, мозий машойихдин доғи ҳамоноки ортиғроқ эрди ва бу ҳақир (Навоий) била илтифотлари кўп бор учун ваҳйи осор руқъалари била мушарраф қилиб, ишларга маъмур қилурлар эрди”,* деб ёзади шайхлар шайхи ҳақида Навоий.

Албатта, “Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Бобур уни (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийни) ўзларига маънавий пир-устоз деб билганлар”.[67]

ФАРИШТАЛАР ШАЙХУЛИСЛОМИ

Навоий ва унинг замондошлари томонидан Махдуми Нуран деб чуқур ҳурмат тилга олинган мутафаккир ва авлиё **Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий** шоирлар султонининг устози ҳамда пири муршидидир. Навоий деярли барча асарларида Жомийнинг исмини эҳтиром билан зикр этиб, уни муршид, устоз ва раҳнамо сифатида улуғлайди. *“Дунё ва охиратни бир оҳ билан ўртаган, пок ошиқлар бошлиғи, ерда фаришталар оламида яшовчиларнинг шайхулисломи, тўғри йўлга бошловчи улуғ зот, миллат ва диннинг нури Абдураҳмон Жомийдирким, гарчи у кишининг мақтови назмга нисбат беришдан юқорироқ бўлса ҳам, лекин шеъриятнинг ҳар бир услубида мислсиз эдилар ва шеърларида ҳар бир байт билан дард аҳлларининг жонини ва кўнгил оламини куйдирган эдилар.*

Яна у ҳазратнинг муҳаббат қадаҳидан юқ-юрум ичиб, тўғри йўл кўрсатишидан фонисифат бўлган, дард ва ишқни туркий тилида ҳарорат билан ифодалаб, турклар ўртасида ўз ижоди билан ҳаяжон ва сортлар орасида офат қўзғотган кимса(Навоий) ҳам бор”.[68]

Ул сафо аҳли пок фар жоми,
Пок фар жому пок фар Жомий.
Ул фано сори дастгир манга,
Муршиду устоду пир манга.

[67] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т. Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.540.

[68] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб.Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983.-Б.52-53.

Ки тутубдур жаҳонни таснифи,
Назм девону, наср таълифи.

“Навоийнинг Жомийдан дарс олиши ажойиб ижодий характерга эга эди: агар дарслик ёш Алишерга етарли даражада тушунарли бўлмаса, Жомий бу дарсликка махсус шарҳ ёзар эди”. “Ул вақтдаким, фақир(Навоий) алар(Жомий) хизматида суфия румуз ва ишорати ва алфоз ва ибрати истилоҳни ўткарур(сўфийлик терминологиясини ўрганар) эрдим, ҳазрати қутбус-соликин шайх Фахриддин Ироқийнинг “Ламаоти” орзуси хаёлға кўп эврулур(келур) эрди. Бир кун тақриб била бу маънини изҳор қилдим. Алар дедиларким: “Тариқат машойихининг форсий кутуб ва расоили(китоб ва рисолалари) оз мутолаа қилибдур, аммо чун ҳавасинг бор, андоқ бўлсун”.

То улким, ул шариф китобни фақирға сабақ айтурға муртакиб бўлдилар(бел боғладилар), ҳар кун ҳар сабақда хушҳол бўлиб, таъриф қилурлар эрди. Биз “Савониҳ” мутолаасида даҳи мунча хушҳол бўлмайдур эрдукки, мунда(бўлганидек) деб айтурлар эрди. Бир неча сабақдан сўнгра сўз мушкулроқ бўлиб, шуруҳга(шарҳлашга) эҳтиёж изҳори қилдилар ва шайх Ёрали шарҳин ва баъзи шуруҳни муборак назарларига қўюб, ул сабақни айтурлар эрди”. Яъни Навоий Шарқ фалсафасини, айниқса тасаввуфни чуқур ўзлаштирган, даврининг энг зўр донишманди ва орифи кошифи Абдураҳмон Жомий ҳузурида тариқат сулукининг одоб ва ахлоқидан дарс тинглаган.

“Рашаҳот”да ёзилишича, Жомий ҳам болалигидан китобга меҳр қўйиб, мутолаа билан жиддий шуғулланган: *“Вақтиким алар (Жомий) ёш замонларида волиди шарифлари (оталари) била Ҳиротға келдилар. Мадрасаи Низомияда иқомат этиб, Мавлоно Жунайд Усулийким, арабият илмида моҳир ва ул фанда шуҳрати тамоми бор эрди, онинг дарсиға кирдилар ва “Мухтасари Талхис”нинг мутолаасиға майл этдилар. Вақтиким ул дарсға ҳозир бўлдилар, бир жамоаға “Шарҳи Мифтоҳ” ва “Мутаввал”нинг қироатиға машғул эрдилар. Олор бовужуд ҳануз шаръий ҳаддиға етушгон йўқ эрдилар, ўзларида онинг фаҳмиға истеъдод топтилар ва “Мутаввал” ва “Ҳошиян Мутаввал”нинг мутолаасиға шуғл этдилар. Ондин сўнг Мавлоно Хожа Али Самарқандийким, рўзғорининг мудаққиқлари улуғларидин ва Ҳазрати Саййид Шариф*

Журжоний раҳматуллоҳи алайҳнинг таломизалари куммалидин эрди, онинг дарсларига кирдилар. Айтур эрдиларким, ул (Журжоний) тариқи мутолаада бемисл эрди, аммо қирқ кунга қариб ондин мустағний бўлса бўлур эрди". Ондин сўнг Мавлоно Шаҳобуддин Муҳаммад Жожармийким, ўз маъоний мубоҳисларининг афозилларидин эрди ва Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний раҳматуллоҳнинг силсилаи тилмизаларидин эрди, айтур эрдиларким, "неча кунлар онинг дарсига борур эрдим, ондин икки сўз эшитдимким, ишга ярар эрди: бири – "Китоби Талвиҳ"даким Мавлонзодаи Хаттобийнинг эътирозотларидин баъзисини дафъэ этар эрдилар. Аввалги кунким, ул эътирознинг дафъи учун икки-уч муқаддима илқо этди. Они ботил этдик. Яна бир бошқа мажлисда тааммули вофийдин сўнг суврат жавоби баён эттиким, фил-жумла важҳе бор эрди ва яна сўзи "Талхиси мутаввал"нинг фани баёнида андак муноқаша кўргузди. Агар чандиким, ул сўзга аслда зиёда дафъйе йўқ эрди. Китобнинг иборатига ва лафзига тааллуқе бор эрди. Аммо онинг таважжуҳида истиқомат бор эрди". Ва ондин сўнг (Абдураҳмон Жомий) Самарқандда Қозйи (Қозизода) Румийким, ўз асрининг муҳаққиқларидан эрди, онинг дарсига бордилар".[69] Жомий шунингдек мунтазам мустақил мутолаа билан шуғулланган.

Муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Абдураҳмон Жомийнинг "Муҳаббат махзани" номли китоби сўзбошисида Жомий ва Навоий ўртасидаги устоз-шогирдлик, дўсту биродарлик муносабатларини қуйидагича ифодалайди: *"Абдураҳмон Жомий Алишер Навоийнинг тариқатда пири, адабиётда устози, ҳаётда энг яқин дўсти ва маслакдоши эди. Навоий бу улуғ зот ҳақида чексиз эҳтиром билан "Муршиду устоду пир манга", дея эътироф этиб ёзгани бежиз эмас.*

Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга ҳурмати шу даражада баланд эдики, у "Хамса"нинг барча достонларида, шу билан бирга, "Насойимул-муҳаббат", "Мажолисун-нафоис" ва бошқа кўплаб асарларида меҳрибон устозининг эзгу фазилатларини чин дилдан таърифу тавсиф этади. Жомий вафотидан сўнг унга бағишлаб "Хамсат ул-мутахаййирин" номли махсус асар яратади.

[69] Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил – ҳаёт. Т. Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.178.

Ўз навбатида, Абдураҳмон Жомий ҳам Алишер Навоий ижодини юксак қадрлагани тарихий манбалардан яхши маълум.

“Хирадномаи Искандар” достонида Навоийнинг истеъдоди ва маҳоратига юксак баҳо бериб, “У Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий панжасига муносиб панжа ура олди, ҳатто улардан ҳам ўзиб кетди. Яхшиямки, у ўз асарларини туркий тилда яратди, агар форсийда қалам тебратганида борми, бошқаларга бу майдонда жавлон уруш учун мажол қолмас эди”, дея мадҳ этади. Бу эътироф мавлоно Жомий Навоийнинг туркийда ёзган асарларини ҳам мунтазам ўқиб, унга ўз муносабатини билдириб борганидан далолат беради.

Инсоний маслаги ва орзу-интилишлари бир бўлган бу даҳо шоирлар ҳамиша эл-юртнинг дарду ташвишлари билан яшаш, одамлар, элатлар ва халқлар ўртасида аҳиллик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, юксак фазилатларни тараннум этиш каби мақсадларни ҳаёт мазмуни, деб билганлар”.[70]

Шарофуддин Роқимий “Тарихи томм” китобида ёзишича, “Амири кабир, соҳиби тадбир Мир Алишерким жаҳон халқлари сарвари, олам аҳлининг муроди эрди, ул жаноб (Жомий)нинг мутеъи ва мурид эдилар. Бу итоат ва иродатдан балки сарафрозлик топгандилар. Ҳамиша тобеълик ҳошиясини жон елкасига ва иродат камандини эътироф гарданига илиб юрардилар. Ҳазрати Махдумий (Жомий) ҳам дўстлик қоидасини ва муҳаббат шароитини ул муқаррабул ҳазратга нисбатан бажо келтирардилар. Шундай ҳам бўлганки, баъзан табаррук таълифотларини ул зот (Алишер Навоий) шавкатли номи ва севимли исмига ёзганлар...

Ул зот 81 йиллик умрлари муддатида 44 жилд китоб тасниф этдилар. Шу китоблар “каъс”га муродиф ҳисобланади. “Жом” сўзи ҳарфлари ададига ҳам мувофиқдир. Китоблар ва турли масалаларга бағишланган рисолаларнинг номи қуйидаги тартибдадир: “Тафсири каломулло” фотиҳадан то “Фаайа фархабун” оятигача, “Шавоҳидун-нубувват”, “Нафоҳотул-унс”, “Мақсадул-фусус”, “Рисолаи тариқайи сўфийя”, “Шарҳи миот”, “Шарҳи нусуси лавомеъ”, “Шарҳи абёти форизия”, “Шарҳи рубоиёт”, “Лавойих”, “Шарҳи матни Мавлонойи Рум”, “Шарҳи матни Амир Хусрав

[70] Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд.Т. Ўзбекистон НМИУ, 2018. –Б. 333-334.

Деҳлавий”, “Шарҳи ҳадиси Абузар Уқайлий”, “Шарҳи суханони хожа Муҳаммад Парсо”, “Таржумайи арбаин”, “Маноқиби Ҳазрати Мавлавий Румий”, “Маноқиби хожа Абдулла Ансорий”, “Рисолаи таҳқиқи мазҳаби сўфийя”, “Рисола дар исботи вужуд”, “Рисолаи дар суоли Ҳиндустон”, “Рисолаи дар ло илоҳи иллоллоҳ”, “Рисолаи дар маносики ҳаж”, “Ҳафт авранг” қуйидаги тартибда: “Силсилатуз-заҳаб”, “Саломон ва Ибсол”, “Туҳфатул-аҳрор”, “Сабҳатул-аброр”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Хирадномаи Искандарий”, “Девони аввал”, “Девони сони”, “Девони солис”, “Баҳористон”, “Рисолаи кабир дар муаммо”, “Рисолаи мутавассит дар муаммо”, “Рисолаи сағир дар муаммо”, “Рисолаи манзума дар муаммо”, “Рисолаи аруз”, “Рисолаи қофия”, “Рисолаи мусиқа”, “Муншоот”, “Шарҳи мулло бар кофия”, “Шарҳи мифтоҳ ул-ғайб”, Касирул-баракот вақтларининг аксарини ҳамиша таълиф ва таснифда ўтказардилар. Ҳазрати зулжалолга ҳамиша ибодат билан машғул бўлишларига қарамай вақтларини бекор ўтказмасдилар.”[71]

МАЪНАВИЙ РАҲНАМО

Имом Али ибн Мусо, лақаби Али Ризо Алишер Навоийнинг маънавий пирларидан бири ҳисобланади. Ислом ақидаларига кўра, саккизинчи имомдир. У аввал Мадинага яшаган, 816 йилда Халифа Ал-Маъмун томонидан Хуросонга келтирилган ва 817-йилда Марвда 33 минг одам қатнашган йиғинда валиаҳд деб эълон қилинган. Али Ризо Эроннинг қадимги Тус шаҳри яқинидаги Нукон қишлоғида тўсатдан вафот этади. Маъмун уни Санобод деган Хорун ар-Рашид мақбараси жойлашган боққа дафн қилади. Кейинчалик бу ерда Машҳад шаҳри пайдо бўлади. Навоий бутун умри мобайнида кўп маротаба маънавий устози мақбарасини зиёрат қилади ва унинг жанубий қисмида гўзал бир айвон қурдиради, “Дор ул-ҳуффоз”(“Ҳофизлар уйи”) барпо этади. Машҳад шаҳрига сув олиб келади ва бу ерда кўплаб савобли ишлар бошида туради. Унинг Машҳад шаҳрига бўлган меҳр-муҳаббати бевосита Имом Али Мусо ар-Ризо номи билан боғлиқ.

[71] Шарофиддин Роқимий. Тарихи томм. Т. Маънавият, 1998.-Б.53-54.

ПИРИ ҲИРОТ

“Пири Ҳирот” ва “Шайхулислом” номлари билан тилга олинган бу улуғ зот шоир, муфассир, фақиҳ ва тасаввуф шайхи **Абдулла Ансорий** Навоийнинг маънавий устозларидан биридир. Навоийнинг “Пири Ҳирот”га ихлос –эътиқоди юқори бўлган. ”Насойим ул-муҳаббат”да ёзилади: *“Ҳар ердаким Шайхулислом воқеъдурур, мутлақ мурод ондиндур”.* Шоирлар султони умрининг охирида Ҳусайн Бойқародан ижозат олиб, барча расмий мансаб ва лавозимлардан воз кечган ҳолда Абдулла Ансорий мозори жорубкашлигини(супурувчи ёки ходим) афзал билгани ҳам бежиз эмас.

Абу Исмоил Абдулло бин Абий Мансур Муҳаммад ал-Ансорий ҳақида Жомий “Нафоҳат ул-унс”да ёзишича, қалами остидан чиққан шеърлари ёдида нақшланиб қолар экан. 1000 байт араб шоирлари шеърларини ёд билган. Хожа Абдулло Ансорий Қуръон тазкир ва тафсирида ўзини Хожа Имом Яҳё Амморнинг шогирди ҳисоблаган. У соф сунний бўлган 300 минг ҳадисни, минг-минг исноди (далиллар) билан ёддан билган.

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”даги “Шайх ул-ислом” номли мақолотида “шариат қонунларида мустаҳкам ва барқарор турган, ҳар қандай бидъатни йўққа чиқарган, файзли ва обрўли инсонни Шайх ул-ислом деса бўлади”, деб Шайхулислом Ансорийни намуна қилиб кўрсатади ва қуйидаги байтни келтиради.

Шайх ул-ислом пир Ансорий,
Шундан Холиқнинг яқини бўлди.

ШОҲИ НАҚШБАНД

Буюк мутафаккирнинг маънавий пир-устозларидан бири сифатида улуғ авлиё, нақшбандий тариқатининг асосчиси **Баҳоуддин Нақшбанд**нинг номини ҳам келтириш мумкин. Навоий “Ҳайрат ул-аброр”нинг 21-бобида Хожа Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандни *“фано илмини касб этган соҳибдил дарвеш, кўнглидан дунё ҳаваслари нақшини буткул ўчириб, басират назарини бақо олами гўзалликларига қаратган ориф, бутун олам*

кўзига узукка ўйилган нақшдек кичик ва аҳамиятсиз кўринган маърифат эгаси, маърифат нури билан соликлар йўлини мунаввар этган маънавий раҳнамо” сифатида таърифлайди. Нақшбандийлик сулукига кирган Навоийнинг пири Жомий ҳам бевосита ушбу тариқатнинг пешволаридан бири эди. Шоирлар султони ҳам ушбу муршиду муқтадони маънавий пир деб улуғлагани шубҳасиз.

V – ФАСЛ

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МУАЛЛИМЛАРИ

МУҚАВВИЙ ВА МУРАББИЙ ЗОТЛАР

Султон Абулқосим Бобур подшоҳ Навоийни ўн ёшидан ўз саройига хизматга, тарбиясига ва ғамхўрлигига олади, мураббийлик ва ҳомийлик қилади. Алишер Навоийнинг таҳсил олиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беради. У шоирлар султонини “ўғлим” деб атар, зарур йўл-йўриқларни берарди. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, *“Ул улуғ амир(Навоий) юқорида зикр этилган мағфиратли подшоҳ(Абулқосим Бобур) замонида, унинг ҳашаматли ва улкан ҳиммати билан, ҳаммавақт фазилат орттиришга интилди, фазл эгаларининг суҳбатини топди, карамли таъби ва ўткир зеҳни шеър айтиш, ўтмиш тарихни ўрганишга қаратилди. Ёшлик пайтидаёқ, икки тил эгаси: туркийда соҳиби фан, форсийда фазл эгаси бўлди.*

...Султон Абулқосим Бобур сўзамол ва ҳунарпарвар подшоҳ эди, ҳаммавақт улуғ амирга таъбининг мулойимлиги, зийраклиги учун офаринлар ўқир эди, баъзи пайтларда улуғ амир битган туркийча ёки форсийча шеърларни мутолаа қилар, таъбининг қудрати ва шарофатли сўзларининг ширинлигидан таажубланарди, бедариғ марҳаматидан баҳраманд қилар ва хайрли дуолари билан қўллаб-қувватларди...”[72]

“Маърифатпарвар Ғиёсиддинбек Ҳиротдан узоқ бир ерга ҳоким қилиб тайинлангач, у ўғли Алишерни тарбиялашни шоҳ Абулқосим Бобурдан илтимос қилади. Ҳукмдор унинг илтимосини қабул қилиб, Алишерни ўз фарзандидек тарбиялай бошлайди. Ёш

[72] Навоий замондошлари хотирасида.Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1986.-Б.14-15.

Алишер “Малик ул калом” Лутфийни бир ғазали билан қандай ҳайратга солган бўлса, Абулқосим Бобурни ҳам ўз шеърлари билан шундай мафтун этади. Орадан маълум бир муддат ўтгач эса ҳукмдор Алишерга таълим беришни ўз асрининг алломалари, темурийзодалар мураббийлари ва етук устозларга топширади.”[73]

Алишер Навоий дўсти **Султон Ҳусайн Бойқаро**ни ўз асарларида мураббийси сифатида ҳам эътироф этади:

Яна улки: фазл аҳли ҳар не қилур,
Урар, лоф ишни мураббий қилур.
Шаҳеким улус чорасози дурур,
Улус фозили Шоҳи Ғозий дурур.

“Гарчи, дарёга қатра ёрдам кўрсатилганидан бирор фойда ва қуёшга зарра яқин келганидан бирор мақсад мумкинлигини тасаввур қилиб бўлмаса ҳам, ул қадар хизматдаки, бу каминага қувват борича ва ул миқдор мулозиматдаки, бу синиқ кўнгилга Тангри тоқат берганича, фидокорлик одатини унутмадим... Ҳар ҳолда ниятим гулистонида ҳийла ва юзакилик хасу хошоки топилмаслиги ва хизматим бўстони садоқат ва порлоқлик булутидан сероб бўлгани туфайли ҳар соат рўзгори димоғи ўзгача иноят шаббодаси файзидан хушҳид ва ҳар лаҳза умидим чироғи ўзгача тарбият(мураббийлик ва муқаввийлик) машъали нуридан ёруғ бўла бошлади. Оз фурсатда ул Ҳазрат(Ҳусайн Бойқаро)нинг ваҳий асарлик сўзи ва илҳом хосиятлик ваъдасидек сўзимга пок маънолар гавҳари тож бўлди ва ўзимга пок гавҳарлик маънолар муҳтож бўлдилар”.[74]

”Хазойин ул-маоний” дебочасида Навоий ўзининг эллик, олтмиш ёки юзга яқин ғазали йиғилиб қолса, таҳрир учун Ҳусайн Бойқаро ҳузурига юборганини таъкидлайди: *“(Ҳусайн Бойқаро)...ўз хизонайи хотири ганжхонасидин ёқуту лаъли рангин ва гавҳару дурри самин била зебу зийнатқа табдил еткуруб, ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрниға рақам қилур эрди.*

Ва бу фақири бебизоату фақири беиститоат ул таълимларни ўзимга дастур қилиб ҳамул дастур била ул забту тартибға шуруъ қилур эрдим”. Султон ғамхўрликларидан илҳомланиб, “таълимини

[73] Маҳмуд М. Навоий ижодига янгича қараш. Т. Meriyus, 2015.-Б.11-12.

[74] Алишер Навоий. Вақфия. Т. Фан, 1991. –Б.53.

олган” Навоий катта ишларга қўл уришга, яъни “Хазойин ул-маоний” ҳамда “Хамса”ни яратишга бел боғлайди.

Навоий “Муҳокамату-л-луғатайн”да ҳам султоннинг хизматларини қайд этиб ўтган: *“Бу камтар (Навоий) ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро)нинг пок нафаси хотирасини сақлаб, ижроси лозим бўлган ҳукмларга бўйсиниб ва фармонбардорлик қилиб, кўнглимдан ва тилимдан келгунча, қаламим ва қўлимда куч бор деб сезгунча ул ҳазратга қуллиқ қилиб ва у қуллиқ билан ўзимни саодатли ва хурсанд сезиб, ҳатто шогирдлик билан ўзимни шарафли, азиз, фахрли ва боши кўкка етган деб билдим. Йиллар бўйича турк тили ва назми қоида ва услуби тўғрисида билмаганларимни сўраб, қийинчиликларимни, мушкулларимни ҳал қилувчи ҳузурида арз қилиб, буюк фойдалар топиб, зўр натижалар кўрдим. Ул ҳазратнинг таълими ва тарбияси билан, йўл кўрсатиши ва қувватлаши билан ишим ул ерга етдики, ўз пок таблари натижасидан чиққан ўз маърифатпарвар қаламлари таҳрири ва ўз ёқимли нутқларининг ёзмалари бўлган рисолалар(“Рисолаи Ҳусайн Бойқаро”)да, ... мени (Соҳибқиронлик) лақаби билан ёзганларки, қайтариб айтишнинг ҳожати йўқ”.*[75]

Бобур Мирзо *“(Навоий) Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандта эди, Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввийси эди”* деб ёзади. Султон Малик Қошғарийнинг ўғли бўлмиш **Аҳмад Ҳожибек** Султон Аҳмад Мирзо ҳукмдорлиги даврида Самарқанд шаҳрида ҳокимлик қилган. Аҳмад Ҳожибек шоирлар султонининг илм олиши ва яшаши учун барча шароитни яратиб беради, моддий ва маънавий жиҳатдан ҳамиша қўллаб қувватлайди. *“Мир Алишер Навоий Ҳирийдин Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек била бўлур эди”,*[76] деб ёзилади “Бобурнома”да

ШОИРЛАР СУЛТОНИГА САБОҚ БЕРГАН УСТОДЛАР

Ўз замонасида ниҳоятда билимдон ва истеъдодли бўлмиш **Хожа Авҳад Муставфий** кўп илмлардан хабардор эди. Уни “Кадуд” деб аташган. *“Ўз асрининг ягонаси эрди. Кўпроқ улум ва фунунни билур эрди, батахсис улуми ғарибани, аммо фалакиётда*

[75] Алишер Навоий. Муҳокамату-л-луғатайн. Т. Академнашр, 2 017.-Б.84.
[76] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т. Юлдузча, 1990.-Б.22.

шуҳрати бор эрди. ***Бу фақир(Навоий) ул бузруквор суҳбатиға етар эрди, кўп илтифотлари бор эрди”.***[77]

Хожа Авҳад ҳақида Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да шундай ёзган: *“Хожа Фахриддин Авҳадий билимдонлиги, фозил ва камолотга етганлиги туфайли фақиру дарвишона табиат пайдо қилди. Закий ва истеъдодли кишилар ҳаммаси ҳамма вақт унинг суҳбатига бориб, илм касб қилиш билан машғул эдилар. Хожа форс, араб ва бошқа тилларда битилган минг жилд китоб жамлаган, уларнинг (ўчган жойларини) ўз муборак хати билан тиклаган эди. Бу фоний дунёда ақл орттиришдан бўлак касбга ҳаваси йўқ эди. Ундан яхши сўз ва яхши китоб ёдгор қолди”.*[78]

Олим ва мударрис бўлган **Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий**ни фиқҳда мақомини машҳур фақиҳ ва ҳанафий мазҳабини асосчиси Абу Ҳанифа билан қиёслаб, “Абу Ҳанифаи Соний” деб аташган бўлса, араб тилини чуқур билгани учун араб тилшуноси Ибн Ҳожибга тенглаштиришган. Ўз замонасида бу бобаракотни “Иккинчи Ибн Сино” деб ҳам тилга олишган. *“Зоҳир илмида Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий(р.а.)ким, Самарқанд Дор ул-илмининг олими уламоси эрди, зуҳду тақвода назири йўқ эрди ва фақҳда Абу Ҳанифаи соний дерлар эрдиким,* ***бу ҳақир(Навоий) ҳам алар шогирдлиғи шарафига мушарраф бўлибмен”,*** дейди буюк шоир.

Навоий Самарқандга келганда Фазлуллоҳ Абуллайсийнинг хонақоҳидан ҳужра олиб, унинг ҳузурида икки йил фиқҳ, фалсафа, тарих, астрономия, математика, географияга оид фанларни қунт билан ўрганади. “Макорим ул-аҳлоқ”да ёзилишича, *“...маълум муддат давомида (Навоий) муносиб тарзда илм олиш билан шуғулланди. Жаноби Хожа доимо ул Ҳазратнинг табиатидаги олийҳиммatликни мақтар ва (уни) бошқа талабалардан устун кўрарди”.* Аниқроқ қилиб айтганда, устоз Фазлуллоҳ Абуллайсий Навоийни бошқалардан ортиқ кўрар эди: *“****Фақир(Навоий) икки йил аларнинг қошида сабақ ўқуб эрдим, анча илтифотлари бор эрдиким, “фарзанд” дер эрдилар”.***[79]

Самарқанддаги Улуғбек Мирзо мадрасаси мударриси, йирик аллома **Хожа Хурд** ҳам Навоийнинг устозларидан бири бўлган,

---

[77] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.31.

[78] Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. (“Тазкират уш-шуаро”дан) Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1981.-Б.176.

[79] Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.32.

чунки ҳозирги давр тили билан айтганда, ўз даврининг “профессори” бўлмиш Хожа Хурддан Навоий дарс олган ёки маърузаларини тинглаган*: “Бовужуди фазлу камолу ақл ва дониш хуляси била орастадур ва бовужуди зуҳди тақво, ҳусни аҳлоқ зевари била пийростадир. Мунча машоғил ва авориз била чун лутфи табъи ғолибдур, назм ва иншо ва муаммо фунунида ҳам иштиғол кўргузур...”*[80]

Шоир ва олим **Дарвеш Мансур** тасаввуф йўлида кўп риёзат чеккан, тақводор ва дарвеш киши бўлган. Аруз ҳақида иккита рисола ёзиб, Салмон Соважийнинг маснуъ қасидасига жавоб айтган. Ирфоний ғояларни рубоийда, ошиқона кечинмаларни ғазалда ифода этган. Дарвеш Мансур Навоийга аруз илмидан устозлик қилган. *“Кўпроқ авқот сойим эрди, аруз ва саноеъда Мавлоно Яҳъё Себак шогирди эрди... **Фақир арузни Дарвеш қошида ўқибмен”.***[81] “Насойим ул-муҳаббат” асари эса бу фикрларни тўлдиради: Яъни *“... замон подшоҳи(Абулқосим Бобур) бу ҳақир(Навоий) кичик эрканда арузи санойеъ ўқумоққа аларға сипойиш қилиб эрдилар. Аммо бу тоифа(тасаввуф аҳли)нинг чун истилоҳотин ҳам хуб билур эрдилар. Мундин ҳам кўпрак алардин эшитилур эрди. Бу тоифада алардек хуш табъу дақиқ оз киши воқеъ бўлмиш бўлғай”.* Юқоридаги фикрлардан маълум бўлаяптики, Абулқосим Бобур ёш Навоийни устоз Дарвеш Мансур қўлига топширади ва у устоз ҳузурида аруз илмини ўрганади.

Хуросонлик адиб ва тасаввуф намоёндаси бўлмиш бу зоти бобаракот - **Ҳофиз Али Жомий** тасаввуф илмида ўз замонасининг “соҳиб камоли”, қироат илмида барча қорилар унинг шогирдлари эканликларидан фахрланишган. Алишер Навоий ҳам Ҳофиз Али Жомийдан сабоқ олишга мушарраф бўлган: *“Ўз замонининг соҳиб камоли эрди, батахсис тасаввуф илмида...Ва қироат илмида жамеи қурро анинг шогирдлигига мубоҳат қилурлар эрди**. Ва фақир ҳам неча сабақ ўқибмен”.***[82]

Мусиқашунос ва тариқат пири бўлмиш **Хожа Юсуф Бурҳон** шеър ва мусиқа илмини яхши билган, ўзи шеър ёзиб, мусиқа басталаган. Навоий мусиқадан илк сабоқни тоғаси Муҳаммад Али

[80] Кўрсатилган асар.-Б.157.
[81] Кўрсатилган асар.-Б.40.
[82] Кўрсатилган асар. –Б.40-41.

Ғарибийдан олганидан сўнг Юсуф Бурхондан унинг нозик сирларини ўрганади. Бу буюк зотдан Навоий нафақат мусиқа, балки тариқат илмини ҳам ўрганган, ўз ғазалларига мусиқа басталаш ва тасаввуфона оҳанг бағишлашни ўзлаштирган: *“Фақр ва фано тарийқида сулук қилур эрди. Ва тажарруд ва инқитоъ расмин кўп маслук тутар эрди. Ва жамеи аҳли туруқнинг соҳиб тарийқи эрди ва мусиқий илмин ҳам яхши билур эрди ва* ***фақир(Навоий) мусиқий фанида анинг шогирдимен”.***[83]

Навоий Жомий ҳузурида ҳам мусиқа илмидан сабоқ олганлиги, буюк устоз етук шогирди учун бу соҳага оид махсус рисола (дарслик) ёзганлиги манбалардан маълум*: “Ул ердинким, аларнинг бу фақир сори иноят ва илтифотлари бор эрди, мусиқий ва адвор рисоласин битидиларким, бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур”.*[84]

Хондамир “Хулосат ул-ахбор”да Навоий мусиқа илмини мукаммал билганини ёзади: *“...Олиҳазрат амир Алишер мусиқа илмида ҳам шу қадар маҳорат ҳосил қилган эдиларки, агар муаллими соний Абу Наср Фаробий ҳаёт бўлганларида унга шогирдлик сирғасини қулоғига тақиб оларди. Қонуну удда зўр таълим олган. Бинобарин, созанда аҳлининг кўпчилиги ҳамиша олиҳазратнинг мулозаматида бўладилар”.*

Ўз даврининг “Малик ул-каломи” улуғ шоир **Мавлоно Лутфий**, Навоий таъбири билан айтганда**, “Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар ва бу қавм(туркий шоирлар)нинг устоди”дир”.** Жумладан Навоийнинг ҳам. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да машҳур Лутфий ёш шоир ҳаққига дуойи хайрлар қилганини ёзар экан, *“бу фақир(Навоий) борасида кўп фотиҳалар ўқубтур. Умед улким, чун дарвеш киши эрди, баъзи мустажоб бўлмиш бўлғай”,* дейди.

“*Лутфий ўз даври адабий ҳаётида устоз сифатида катта мавқега эга эди. Кексайиб бораётган шоирнинг (умрининг сўнгги йиллари) уйи кўпинча шогирдлар билан гавжум бўларди.* ***Лутфийнинг яқин шогирдларидан бири Алишер Навоий эди.*** *Навоий ўз устози ҳақида гапирганда, икки ўртадаги яқин инсоний муносабатларни ички бир ифтихор билан тилга олади. Навоий*

[83] Кўрсатилган асар.-Б.50.

[84] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Бешинчи жилд.Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.786.

Лутфийдан назмиятнинг сирру синоатлари бобида кўп нарса ўрганди. Устоз шеъриятига бўлган катта эътиқод билан унинг "Лайлатул меърожининг шарҳи сочи тобиндадур", "Кўкдадур ҳар дам фиғоним кўргали сен моҳни", "Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами" мисралари билан бошланувчи ғазалларига мухаммаслар боғлади. Унинг устозни "Эй жамолинг лаҳзол-у бебадал ҳуснунг жамил", "Эй қадинг тўбийи жаннат ҳадди гулгун устина" муқаддимали ғазалларига мусаддаслари ҳам мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий ўзигача ва ўзига замондош бўлиб яшаган туркийгўй шоирлардан фақат Лутфий ғазалларигагина мухаммас ва мусаддаслар боғлаган".[85]

Навоийнинг устозларидан бири бўлмиш олим ва фақиҳ **Мавлоно Фасиҳуддин Муҳаммад Низомий** ҳузурида шоирлар султони фиқҳ, фалсафа каби фанларни ўрганган ва уни охунд деб улуғлаган. Ғиёсиддин Хондамир ёзишича, (Алишер Навоий) хоҳ шаҳарда, хоҳ сафарда олий мартабали жаноб ҳамда миллат ва диннинг сўзга чечан нотиғи бўлган Мавлоно Фасиҳуддин Муҳаммад Низомийдан таҳсил олган: *"Йигирма ёшиға яқин эканда улумни такмил қилди. Ҳоло ўттуз йилға яқин борким, ифодаға машғулдур. Зоҳир улумидин ҳеч қайси бўлмағайким, дарс айтмағай. Ва ҳар бир илмки айтур, кўпида ҳавоший ва муфид мусаннафоти борким, уламо андин баҳраманддурлар.... Бовужуди мунча камол бу фақир(Навоий)нинг таназзул қилиб, сафар ва ҳазарда кўпрак авқот ўз шариф суҳбати билан мушарраф қилур",*[86] *дейди мутафаккир.*

"Олиҳазрат амир Алишер (Навоий) зарур илмларнинг барчасини жаноб мавлавий (Фасиҳуддин Муҳаммад Низомий) ҳузурида ўрганган ва ҳаммавақт у кишини охунд деб чақирар эдилар.. Қадимги дастурга биноан (Навоий ул зотга) олий йиғинларда вазъ айтишга рухсат бердилар. Ул жаноб буни мамнуният билан қабул қилди ва ҳар куни султон ҳазратлари яқин дўстининг остонасига бориб турадилар ва диний масалаларни таҳқиқ қилиш билан банд бўладилар".[87] *"Жаноби ҳазрати султоннинг муқарриби Амири кабир, сойибтадбир Мир Алишер Навоий шоёни эътибор бўлган кўплаб китобларини Мавлоно*

[85] Маънавият юлдузлари.(Муҳаррир Ф.Ҳасанов).Т. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси ДИН, 2011.-Б.218.

[86] Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.145-146.

[87] Навоий замондошлари хотирасида. Т. Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1985.-Б.71.

Фасиҳиддин шогирдлигида мутолаа қилганлар. Шундан баҳрамандлик ҳосил қилганлар.”[88]

Фасиҳуддин Муҳаммад ан-Низомий томонидан ёзилган “Ҳошияи “Мухтасар” (“Мухтасар асарига изоҳлар”), “Ҳошияи Чағминий” (“Чағминий изоҳлари”), ”Ҳошияйи шарҳи “Ҳидояи ҳикмат” (““Ҳикмат ҳидояти” шарҳига ёзилган изоҳлар”), “Ҳошияи шарҳи “Ашкол” (“Шакллар” асари шарҳига ёзилган изоҳлар”), ”Таъсиси шарҳи бист боби “Устурлоб” (““Устурлоб” шарҳининг йигирма бобига ёзилган изоҳлар”), “Ҳошияи “Мавоқиф” (““Тўхталишлар” асарига ёзилган изоҳлар”), “Шарҳи “Миръату омил” (““Юз омил” асарига ёзилган шарҳ”) ва бошқа асарлари илм аҳли ўртасида машҳур бўлган. Ўз замонасининг аксарият билимларини Мавлоно Фасиҳуддин ҳузурида ўқиб-ўрганган Навоий “муаллими”нинг юқорида тилга олинган китобларини мутолаа қилмаган бўлиши эҳтимолдан узоқ. Чунки ҳазрат Навоий “*Мавлоно Фасиҳуддин Муҳаммад Низомийнинг ҳузурида унинг илмидан фойдаланиш мақсадида” (Хондамир)* хизматида турганидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, шоирлар султони “муаллим”нинг ушбу китобларини ўқиш орқали билимини такомиллаштирган.

Навоийнинг устози ва дўсти, ота мақомидаги бу улуғ зот **Саййид Ҳасан Ардашер** шогирдини “фақр тариқи” –дарвешлик сулукига даъват қилган, шеър ёзишга илҳомлантирган. *“1450-йилларда маълум бир муддат ҳукмдор Абулқосим Бобур Алишерга таълим беришни ўз асрининг алломаси, темурийзодалар мураббийси Саййид Ҳасан Ардашерга топширади. Ардашер фавқулодда катта истеъдод соҳиби, яқинда отаси оламдан ўтган Алишерни ҳам меҳрибон пиру устоз, ҳам ҳақиқий ота сифатида тарбиясига олади. Алишер билан Саййид Ҳасан ўрталаридаги устоз-шогирдлик муносабатлари оталик ва фарзандлик мақомига кўтарилади”.*[89] Шоирнинг аксар шеърларини ёд олиб, мажлисларда ўқиб юрган. *“Ва бу фақирни фақр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурға тарғиб кўргузурлар эрди. Чун ул авқотда фақирнинг назмлари Хуросонда шуҳрат тутуб*

[88] Шарофуддин Роқимий. Тарихи томм. Т. Маънавият. 1998.-Б.70.
[89] Маҳмуд М. Навоий ижодига янгича қараш. Т. Мериюс, 2015.-Б.11-12.

эрди, алар даҳи илтифот қилиб, баъзи абётни кўп ўқурлар эрди ва мажолисда хушвақт бўлурлар эрди”.

Алишер Навоийнинг туркий шеърлари орасида марсия руҳидаги иккита таркибанд бўлиб, улардан бири “Наводир уш-шабоб” девонидан ўрин олган. Етти банддан(56-байт) иборат бу асар, шеърий мактуб-маснавий, “Мажолис ун-нафоис” ҳамда Насойим ул-муҳаббат”даги мақолалар, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асари муаллифнинг “ҳам ота, муршиду пири” бўлмиш Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган.

Навоий устози кўп вақти мобайнида мутолаа билан шуғулланганини “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да зикр этган*: “Форсий ашъордин Ҳазрати Хожа Ҳофиз Шерозий (қ.с.) девониға кўп ақидалари бор эрдиким, балким ул девондин аксари аларнинг хотирида эрди ва кўп абёт мажолисида ул девондин мазкур қилурлар эрди ва маснавий жинсидин Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (раҳматуллоҳу) “Бўстон”иға мўътақид эрдилар (ихлос қўйгандилар) ва Ҳазрат Шайх Фаридуддин Аттор(қ.с.)нинг “Мантиқ ут-тайр”ининг кўпрагини ёд билурлар эрди ва кўп ўқурлар эди ва кўп сўз хотирларида бор эрди. Бу наср кутубдин Ҳужжат ул-ислом Имом Муҳаммад Ғаззолий (р.т.) мусаннафотиға мўътақид эрдилар ва кўп ўқур эрдилар. Ва кўп сўз хотирларида бор эрди. Батахсис “Кимиёи саодат”дин ва Шайх Азиз Насафий(қ.с.) расолин ҳам таъриф қилурлар эрди ва андин сўзлар нақл қилурлар эрди*”, дейди шоирлар султони.

Алишер Навоий устози ҳақида шундай деб ёзади:

Мангаким видодингға хурсандмен,
Жанобингға шогирду фарзандмен.

“Ҳазрати Алишер Навоий учун ҳам дўст, ҳам ота, ҳам устоз мақомида бўлган зотлардан бири **Паҳлавон Муҳаммад** эди. Навоий бир шеърида “Паҳлавон эрди менинг ёриму бир шўх анисим”, деб ёзса, “Мажолис ун-нафоис”да “Ҳоло фақр аҳлининг пешвоси ва тарийқ хайлининг муқтадоси Паҳлавондур”, дея улуғлайди. Бу зотнинг вафотидан сўнг улуғ шоир “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарини ёзади.

“...Навоий Паҳлавон Муҳаммад ҳақида сўз бошлар экан, аввало, унинг жисмоний жиҳатдан забардаст ва кучли бўлганлигини айтади. Ҳатто унинг каби кучли инсон беш юз, минг

йилларда ҳам туғилмайди, дейди. Сўнг унинг юксак илмий истеъдод ва иқтидори ҳақида тўхталиб, унинг мусиқа, тиббиёт, шеърият, қофия, аруз, бадиий санъатлар, илми нужум, фиқҳда кенг маълумотга эга бўлганлигини таъкидлайди... (Унинг) Мир Бузург Термизийга бағишлаб кашф қилган "Чоҳоргоҳ" куйи бутун Хуросонда, ҳатто Самарқанд ва Ироқда ҳам бағоят машҳур бўлиб, уни куйламаган бирор ҳофиз бўлмаган".[90]

Устоз Паҳлавон Муҳаммад билан Навоий қирқ йил мобайнида дўсту қадрдон, устозу шогирдлардек яқин муносабатда бўлган: *"Қирқ йилға яқин бу фақир била мусоҳиби жоний, маҳрами рози пинҳоний эрди",* деб ёзади Алишер Навоий.

Алишер Навоий: Қомусий луғатида, **Мавлоно Муаммоий** шоирлар султонининг устози сифатида қайд этилган. "Мажолис ун-нафоис"да ёзилишича, *"Латиф ва сунний мазҳаб киши эрди. Кўп акобир хизматига етиб эрди, манзури назарлар бўлуб эрди. (Абулқосим) Бобур Мирзо замонида муаззам сад бўлди ва сўнгра ҳам салотин мажлисида (бошқа темурий султонлар йиғинларида) мақбул ва махсус эрди... Фақир била улфати бор эрди ва кўп мушарраф қилур эрди..."* Муҳаммад Муаммоий Абулқосим Бобурнинг сарой шоири бўлиб, бадиҳа айтишда моҳир бўлган. Алишер Навоий Абулқосим Бобур Мирзо саройида хизмат қилганида ундан муаммо фанидан сабоқ олган.

Тадқиқотчи Саидбаҳром Азизов Навоий Самарқандда таҳсил олганда, ***машҳур фалакшунос* Хожа Уҳд Мастуний**дан фалакиёт сирларини ўрганади, дейди.[91] Навоий Мастуний ҳақида шундай ёзади*: "Хожа Уҳд Мастуний ўз асрининг ягонаси эрди. Илм ва фунун билур эрди. Аммо фалакиётда шуҳрати бор эрди. Бу фақир(Навоий) ул бузруквор(Мастуний) суҳбатига етар эрдим"*. Ана шу даврда Самарқанд ва Ҳирот астрономик муҳити таъсирида Алишер Навоийнинг космик дунёқараши шаклланди ва бу жараён асарларида ўз аксини топди.

Навоий Самарқанддаги таҳсилдан Ҳиротга қайтгач, **Ал-Кўҳистоний** раҳбарлигида фалакиёт илмидан сабоқ олишни давом эттиргани ва Кўҳистоний ўз шогирди Алишер Навоийга бағишлаб фалакиёт илмидан иккита китоб ёзгани маълум. Улардан бири –

[90] Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). Т. Тамаддун-2016.-Б.247-248.

[91] Азизов С. Алишер Навоий асарларида фалакиёт сирлари. Т. Ўзбекистон, 2018.-Б.12.

Носириддин Тусийнинг “Мифтоҳи бист боб дар маърифати астурлоб” (“Устурлобни билиш ҳақида йигирма бобнинг калити”) китобига шарҳ ва иккинчиси – Қозизода Румий томонидан Ас-Самарқандийнинг “Исбот(билан боғлиқ) таклифлар” асари шарҳига ёзилган изоҳдир.

Ўз даврининг машҳур адабиётшуноси ва шоири. Хондамирнинг маълумот беришича, *“Навоий ҳузуридаги адабий мажлисларда **Мир Атоуллоҳ Ҳусайний** илми бадиъга оид ваъзлар ўқиганда, улуғ шоирнинг ўзи ҳам қўлида дафтар билан сабоқ олгани ҳозир бўлар экан”.*

Унинг “Бадоеъ ус-саноеъ” асари Навоийнинг ҳам, бошқа замона фозилларининг эътирофига сазовор бўлган. Бу машҳур асар ҳақида Навоий “Мажолис ун-нафоис”да шундай деган*: “Маълум эмаским, бу фанда ҳаргиз ҳеч киши онча жамъ ва муфид китоб битмиш бўлғай”.*

Навоий “Мажолис ун-нафоис”да ўзининг устозларидан бири билимдон ва фозил Мир Атоуллоҳ Ҳусайнийни яна дарвеш сифатида кўришни исташини билдиради: *“Фақир (Навоий) густоҳлик юзидан (беодоблик қилиб) Мирга дерменким, фазоил ва камолотингизга кўра дарвешлигингиз ҳам бўлса эрди – хўб эрди”.*

Мухтасар қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг биз тилга олган устозлари рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Юқорида зикр этилганлари учдан бир қисми холос. Ҳали биз билмаганлар қанчадан қанча. Муҳими бу буюк сиймолар ўз асарлари, оқ фотиҳалари, йўл-йўриқлари ва сабоқлари билан Алишернинг буюк Навоий бўлишида муносиб ҳисса қўшишган.

АЛИШЕР НАВОИЙ ДАРВЕШЛАРДАН ТАЪЛИМ ОЛГАНМИ?

Алишер Навоий 4 ёшидан Ҳирот, Шероз, Сабзавор шаҳарларидаги мактабларда ўқигани, шундан сўнг Ҳирот, Машҳад ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олгани бизга маълум. Аммо Навоий ёшлик даврида улуғ инсонлар, буюк устозлар ва тариқат пирлари, шоир ибораси билан айтганда, (ўзини Ҳаққа бағишлаб, дунёдан юз ўгирган тариқат пешволари -) дарвешлар суҳбатларида таълим олганини эса кўпчилигимиз билмаймиз. Навоий “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида бу ҳақда шундай ёзган:

“Дарвешлар ва аҳлуллоҳ (Аллоҳ аҳли) мулозаматиға кўп етибмен”. Бинобарин, мутафаккир фикрини Хондамир ҳам *“*Навоий ёшлик ва йигитлик даврида доимо дарвешлар суҳбатида бўлган”, деб тасдиқлаган: *“...Ул зот ёшлик ва йигитлик давр*ининг *гуллаб-яшнаган чоғларида ҳар доим ...дарвешлар билан мулоқотда бўлишга интилиб юрар, қўлидан келганича ва имконияти етганича иродат ва ихлос билан олий мартабали ушбу тоифага мансуб кишиларнинг хизматида бўлардилар.*

(Шундан сўнг ул Ҳазрат) бир неча вақт давомида бу дунёнинг барча қизиқишлари ва ҳою ҳавасларидан кўнгил узиб, табаррук макон бўлган Работи Суҳайл деган жойда яшай бошладилар”:

Тариқат сулукин касб этгали,
Ҳамул кунки, бўлди ҳавое манга.
Бурун зуҳди тақвони айлаб шиор,
Дедимким, етишгай сафое манга.
Бориб хонақоҳ ичра қилдим мақом,
Бу маъни худ ўлди балое манга.
Боқиб хилвату зикру сажжодани,
Зуҳур этти ҳар дам риёе манга.
Булардан ўзимни халос айладим,
Ки то ҳосил ўлғай фаное манга.
Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синғон сафол.

Хондамир сўзларига ҳамоҳанг равишда Навоийнинг юқоридаги сатрларини изоҳига ўтсак, аниқроқ қилиб айтганда, ўша куни (ёшлик йиллари) мен тариқат сулуки, яъни тасаввуф йўналишини ҳаётимга татбиқ қилишни истаган эдим. Аввалларида қалб мусаффолигига етишай деб, зуҳди тақвога қаттиқ берилдим. Аммо иш мен ўйлагандек эмас экан: ихлоссиз, муҳаббатсиз ибодат наф бермас экан. Кейин тасаввуф пири (бир улуғ шайх) ҳузурига бориб, унинг таълимини олишга киришган эдим, билдимки, менинг қуруқ зоҳирий ибодатлар билан юксакликка эришиш ҳақидаги хаёлим бир бало экан. Ўзимни хилватга олиб, зикру намоз билан машғул бўлганимда ҳам менда риё иллати зоҳир бўлар эди. Энди мен бундай ибодатлардан, яъни одамлар кўзига ибодат кўринса-да, аслида шахсий манфаатларга қаратилган, ихлоси етарли бўлмаган зоҳирий ибодат қилишдан кечдим. Мақсадим – фано мақомини

эгаллаш: қалбда Аллоҳдан ўзгага жой қолмасин, Унга қиладиган ибодатларим, тақволаримда ҳам Аллоҳдан ўзганинг мулоҳазаси бўлмасин, Уни кўриб тургандек ибодат қилай, чин ихлос билан тоатда бўлишга эришай. Мана шу мақсадда муршид (тасаввуф пешвоси) даргоҳига ошуфтаҳол кириб бордим. Қалбим ниҳоятда синиқ, шикаста, айни вақтда турли иллатлардан қутила олмай ҳалак эди. Истагим – Аллоҳнинг севгиси, илоҳий ишқ нашъу намоси эди, деб зикр этган, устоз авлиё номини келтирмасдан Ҳазрат Навоий.

Энг қизиғи, Навоийга ёшлигида қироат, аруз, мусиқа, фиқҳ каби қатор илмларни ўргатган устозлар – тариқат пешволари бўлишган.

Хўш, нега Навоий кўплаб, улуғ авлиёлар билан суҳбат тутган, деган ҳақли савол туғилади? Биринчидан, азиз-авлиёларнинг суҳбати –дарс йиғини шаклида бўлган. Пиру муршидлар ўз суҳбатлари, мажлислари орқали тариқат ғояларини тарғиб қилишган. Дарвеш Саййид Ҳасан Ардашер ҳам Навоийнинг ёшлигида у билан мулоқотларда тариқатга аъзо бўлишни ва унинг ғояларини тарғиб қилган: *“...Бу фақир(Навоий)ни фақр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди”*. Машойихлар мажлиси ҳақида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф шундай фикрларни келтирган: *“Бир соатлик илм мажлиси етмиш йиллик ибодатдан афзал, яъни фарзлар устига зиёда қилинган ва киши илмсиз равишда қиладиган ибодатлардан.”*. Бир сўз билан айтганда, шариат аҳкомлари, диний илмларни пухта ўзлаштирган Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф шайхларигина суҳбат-мажлисларда толиби илмларга илм ўргатишган. Бу ҳақда Навоийнинг ўзи ҳам “Насойим ул-муҳаббат”да Шайх Илёс ҳақида ёзар экан, ён-атрофдан унинг суҳбатига илм олгани ҳамда тариқатда сулук қилгани муридлар борганини айтиб ўтади. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий ҳам “Абдулланома”да *“Талаб қилувчи (толиби илм) бир машойих суҳбати шарафига етса, ўзгаларнинг машаққатларидан тамоман қутулади. Шундай бўлса ҳам (киши) машойихлар(нинг) суҳбати билан қанча кўп тарбият топса, унинг камоли ҳам шунча кўп бўлади,”* деб ёзган.

Навоий суҳбат қурган улуғ зотлар–дарвешларнинг аниқ сонини айтиш мушкул. Чунки, мутафаккир рисолаларида улар ҳақида батафсил тўхталмаган. “Насойим ул-муҳаббат” ва

“Мажолис ун-нафоис”да эса бор-йўғи ўзи суҳбатида бўлган ўнлаб валийлар ҳақида қисқача ёзиб қолдирган, холос. Балки шоирлар султони беш –олти ёшдан бошлаб, ўттиз ёшгача бўлган даврда юзлаб шайхлар, авлиёлар хизматида бўлгандир. Негаки, бу даврда Хуросон ва Мовароуннаҳрда жуда кўплаб кароматгўй валийлар истиқомат қилган. Биз Навоий асарлари асосида уларнинг айримлари ҳақида сўз юрита оламиз, холос.

Хожа Шамсуддин Муҳаммад Кусуйи Жомий Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Баҳодирнинг пири-муршиди бўлган. У падари билан авлиёнинг хизматида бўлиб, суҳбатига бориб турган. Алишер Навоий болалигида машҳур тариқат пешвоси Мавлоно Ҳумодуддин Калободий билан мулоқот қилиш бахтига ҳам муяссар бўлган.

Ўз замонасининг маликул-каломи деб эътироф этилган дарвеш Лутфийни ҳам Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да валий шоирлар қаторига қўшган. Ўз ўрнида айтиш жоизки, шоирлар султони дарвешлардан бўлган Мавлоно Лутфийнинг суҳбатида бўлиб, ундан таълим олган. Шоирлар султони болалигидан Лутфий сингари дарвеш шоирлар суҳбатига интилган.

Шайх-ул-ислом Хожа Муаййад Меҳна ўз даврининг йирик уламоларидан ҳисобланган. Навоий ўз даврида ваъз мажлислари билан шуҳрат қозонган бу улуғ зотнинг суҳбатларида иштирок этган. Хожа Авҳад Муставфий илму урфонда ўз даврининг ягонаси ҳисобланган. Навоий Сабзаворлик валий шоир Муставфий суҳбатида таҳсил олган: *“Бу фақир(Навоий) ул бузруквор суҳбатиға етар эрди, кўп илтифотлари бор эрди.”,*-дейди Навоий улуғ зот суҳбатини хотирлаб. Бу пиру комилнинг суҳбати ҳақида Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро”да шундай ёзган: *“Хожа Фахриддин Авҳадий билимдонлиги, фозил ва камолотга етганлиги туфайли унда фақиру дарвишона табиат пайдо бўлди. Закий ва истеъдодли кишилар ҳаммаси ҳамма вақт унинг суҳбатига бориб, илм касб қилиш билан машғул эдилар.”*

Навоийга аруз илмини ўргатган Дарвеш Мансур тасаввуф йўлида кўп риёзат чеккан, тақводор ва дарвеш киши бўлган. У аруз ҳақида иккита рисола ёзиб, Салмон Соважийнинг маснуъ қасидасига жавоб айтган. Ирфоний ғояларни рубоийда, ошиқона кечинмаларни ғазалда ифодалаган. Темурийлар ҳукмдори

Абулқосим Бобур ёш Алишерни устоз Дарвеш Мансур қўлига топширади ва у устоз ҳузурида нафақат, аруз илми, балки тасаввуф истилоҳларини ўзлаштирган. Аслини олганда ҳам улуғ сўфий ва шоир Фаридиддин Атторнинг ёзишича, “авлиёларнинг сўзи киши қалбининг малҳами ва руҳининг қувватидир, кимки авлиё сўзини дилига жо этса, У Қуръон ва Ҳадислар мағзига эшик очади, ўзининг ҳолати, аҳлоқини, қилаётган ишларининг яхши-ёмонлигини ўйлайдиган бўлиб қолади ва ҳаёт, охират, инсонийлик хусусида мулоҳаза юритиб, ички оламини тартибга солади.

Қуръон ва ҳадислардан кейин ҳеч сўз тариқатдаги машойихлар айтган сўзлардан афзалроқ эмас”. Шу боис Алишер Навоий ҳам тариқат пирларининг суҳбатларига боришни канда қилган.

Хуросонлик адиб ва тасаввуф таълимотида ўз замонасининг “соҳиб камоли” Ҳофиз Али Жомий қироат илмида Навоийга устозлик қилган. Мусиқашунос ва тариқат пири бўлмиш Хожа Юсуф Бурҳон шеър ва мусиқа илмини яхши билган, ўзи шеър ёзиб, мусиқа басталагани ҳамда Навоий мусиқадан илк сабоқни тоғаси Муҳаммад Али Ғарибийдан олганидан сўнг Юсуф Бурҳондан унинг нозик сирларини ўргангани бизга маълум. Бу буюк зотдан Навоий нафақат мусиқа, балки тариқат илмидан таълим олган, ундан ўз ғазалларига мусиқа басталаш ва тасаввуфона оҳанг бағишлашни ўзлаштирган. Тасаввуф намояндаси Мавлоно Саъдуддин ўз даврининг етук уламоларидан бири бўлган. Навоий ибораси билан айтганда, *“ҳаётлари муддатида “Фаройиз” адосидин сўнгра “Тафсир” ва “Ҳидоя”га машғул бўлурлар эрди. Ва дунё сўзи алар мажлисида ўтмас эрди. Алар суҳбатиға етиб, сўзларини эшитган кишига Ҳазрат Расул(С.А.В.) ва бузургвор асҳобининг тариқи ёд бўлур эрди.”*. Бинобарин, Навоий бу буюк зот билан кўришиб, ундан диний илмлардан маърузалар тинглаш бахтига мушарраф бўлган. Алишер Навоий шунингдек, мажлисларида Қуръон ва ҳадисдан маърузалар ўқиган валий зотлар Мавлоно Муҳаммад Амин суҳбатида ҳам бўлган.

Йирик шайх ва авлиё шоир Садриддин Равосий айтган ваъзлар халойиққа манзур бўлган, унинг мажлисига ҳатто Султон Абусаид Мирзодек давлат арбоблари ҳам иштирок этган. Равосий билан суҳбатлашиш бахтига Навоий ҳам муяссар бўлган: *Шариф*

суҳбатига фақир (Навоий) мушарраф бўлдум...“Фусус” (Ибн ал-Арабийнинг “Фусус ал-ҳикам” асари)дин дарс айтур эрди, кўнглимни басе сайд қилди”, дейди Навоий. *Шайх Зайниддин халифаси* тасаввуф шайхи Равосий билан доимий мулоқотлар ёш Алишер Навоийнинг тафаккури ва дунёқараши ҳамда маънавий дунёси тараққиётида муҳим рол ўйнаган, дейиш мумкин. Адабиётшунос Нажмиддин Комилов ёзганидек, *“дарвешларнинг суҳбати шундай кимёки , пишмаган хаёлларни пиширади, қалбни қора доғлардан тозалаб, сайқал бера олади.”*.

Тариқатда сулукка машғул бўлган пиру муршидлардан Хожа Абдулазиз Жомий баркамол уламолардан ҳисобланган. Абдулла Ансорий авлодидан бўлмиш бу зоти бобаракот кўп вақтини тасаввуфга бағишланган “Футуҳоти Маккия” асари мутолаасига сарфлаган. Абдулазиз Жомий ҳам Навоийга илтифот кўрсатиб, мажлисларига таклиф этган ва *“кўп қатла фотиҳа била дуои хайр қилган”*. Буюк шоирнинг устозларидан бири бўлган Мавлоно Муҳаммад Табодгоний Шайх Зайнуддин Хавофийнинг кибор халифаларидан саналган. Навоий *“зоҳирий ва ботиний илмда комил”* деб эътироф этган фазлу камоли таърифга сиғмайдиган тариқат пири бўлмиш Табодгоний панду насиҳат билан халқни ҳидоятга чорлаган. Бу улуғ зотнинг суҳбатларига Навоий ҳам келиб турган.

Хуросонлик авлиёлардан Мавлоно Муҳаммад Хуросоний кўп вақтини Пай работида ўтказган. Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”да ёзишича, *“Бу ҳақир (Навоий) бир-икки қатла суҳбатиға ул мутабаррук манзилда мушарраф бўлди”*. Навоий устози Дарвеш Саййид Ҳасан (Ардашер) билан доимо мулоқотда бўлган. Бу зоти бобаракот ҳақида шоирлар султони шундай ёзган: *“Ул замоннинг машойихининг кўпининг суҳбатиға етиб эрдилар ва бу ҳақирни фарзандлиққа махсус қилур эрди. Бу ҳақир (Навоий) фақр тариқида ва фано жоддасида алардек тамом киши оз кўрибмен”*.

Ўз замонасида етти иқлимга машҳур бўлган зотлардан бири Шайх Шоҳ Зиёратгоҳийдир. Унинг панд-насиҳатларига темурий султонлар амал қилган. У шундай жасур зот бўлганки, подшоҳу амалдорларнинг хато ва камчиликларини юзига айта олган. Энг қизиғи у Навоийни фарзандидек яхши кўрган. Буюк мутафаккир

Зиёратгоҳий йиғинларида иштирок этиб, тасаввуфга оид қатор саволларга жавоб топган.

Навоий йигитлик чоғларидан буюк мутафаккир, авлиё Абдураҳмон Жомийни ўзига пир тутган ва устозининг суҳбатларидан мунтазам баҳраманд бўлган. Навоийнинг Жомийдан дарс олиши ажойиб ижодий характерга эга эди: агар дарслик ёш Алишерга етарли даражада тушунарли бўлмаса, Жомий бу дарсликка махсус шарҳ ёзар эди. Навоий Шарқ фалсафасини, айниқса тасаввуфни чуқур ўзлаштирган, даврининг энг зўр донишманди ва орифию кошифи Абдураҳмон Жомий ҳузуридаги суҳбатларда тариқат сулукининг одоб ва ахлоқидан дарс тинглаган.

Навоий қаерга бормасин, ўша ҳудуднинг улуғлари суҳбатига мушарраф бўлган. Алишер Навоийнинг ўзи Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган маснавий-мактубида Амир Темур пойтахтига келишининг бир неча сабабларини кўрсатган. Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, шулардан бири ирфондан баҳраманд бўлиш, тариқат йўлини танлаш. Чунки, Навоий эътиқодига кўра, инсон бўлиб яшамоқдан мақсад Аллоҳни ва ўз-ўзини танишдир. Бунинг эса иккита йўли бор. Бири – Ҳақдан жазба етиб, “яқин жомидан маст бўлиш”, яъни Худо ёдида ўзидан ва ўзлигидан бехабар бўлиб юриш, дунёнинг барча шуғли(машғулотлари)дан юз ўгириш, охир-оқибатда жисм – вужуддан қутилиб, Аллоҳ вужудига қўшилиш.

Иккинчиси – пирга қўл бериб, унинг иродаси, амри билан “фано даштини кезиб”, риёзат оқибатида жазба топиш:

Яна бир будурким, гадо гар мулук,
Талаб йўлида қилгай онча сулук.
Бурун муршиди комил истай юруб,
Ани топқач ўзин анга топшуруб.

Биринчи йўлни Навоий “мажзуби солик” йўли деб атайди, яъни аввал илоҳий жазба (тортилиш) етиб, кейин тариқатни қабул қилиш. Иккинчи йўлни у “солики мажзуб” дейди, яъни аввал тариқатни қабул қилиб, тавба, вараъ, сабр ва ҳоказо мақомларни босиб ўтгандан кейин ҳол мақомига мушарраф бўлиш.

Йигирма етти яшар Алишер Навоий устози ва сирдоши Саййид Ҳасанга кўнглидаги ниятини бундай баён этади:

Чу аввалги иш бўлмади дастгир,

Иккинчисидин хуб эмасдур гузир.

Маълум бўладики, Навоий тасаввуфга, фақр аҳли сулукига ёшлигидан кучли эътиқод қўйган. Мажнундай ошиғи сармаст бўлиш, девона қаландардай сарсари кезишни орзу этган. Аммо бу муяссар бўлмагач, муносиб раҳбар - пирни топиб, унинг иршодида фақру фано неъматидан баҳраманд бўлишга қарор этган.” Демак, бундан чиқди, Навоий Самарқандга Устоз излаб келган.

Албатта, 1465-1469 йиллар оралиғида у Самарқандда бўлганда, буюк олим Фазлуллоҳ Абу Лайсий ҳамда баракатлар ёғиладиган нақшбандия пирларидан бири, авлиёлар султони Хожа Аҳрор Валий суҳбатларида иштирок этиб, уларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, *“...Амир Алишер Мовароуннаҳр вилоятида бир қанча вақт – неча йилу ой, саҳару шом турли фазилатлар ва камолот касб этиб, олимлар ва муҳаққиқлар пешвоси Хожа Аловиддин Фазлуллоҳ Абу Лайсий мулозаматида диний илмлар таҳсили ва яқиний маърифат такомилида машғул бўлиб, аёлиёлар қутби Хожа Носириддин Убайдуллоҳнинг(Оллоҳ унга тинчлик берсин), файзли бузруквор мажлисидан файз ва офтоб янглиғ мунаввар сийратидан баҳра олган ”.* Албатта айтиш мумкинки, Фазлуллоҳ Абу Лайсий илмий йиғинларидан ташқари, Хожа Аҳрор Валий ҳузуридаги диний-маърифий суҳбатлар ҳам Ҳазрат Алишер Навоийнинг диний ва тасаввуфий қарашларини шаклланишида етакчи рол ўйнаган. Бинобарин навоийшунос олим Шуҳрат Сирожиддинов ҳам Абдураззоқ Самарқандий *“Навоийнинг Самарқандда эканлиги пайтида Хожа Аҳрор Валий суҳбатларидан баҳраманд бўлганлигини айтиб ўтганки, бу Навоий дунёқараши ва мафкураси ташаккулининг босқичларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга”,* деган.

Мухтасар қилиб айтганда, Аллоҳнинг дўстлари суҳбатида таълим олиб, Алишер Навоийнинг билим ва тафаккур доираси, дунёқараши, тушунчаси ниҳоятда кенгайган, шоирлар султони, буюк мутафаккир ва авлиёлар авлиёси даражасига етган, дейишимиз мумкин.

МУНДАРИЖА

1. Шоирлар султонининг биринчи устози ким бўлган?.....3

2. Навоийга шоирлик ҳалвосини ким едирган?.....6

3. Маънавий устозлар.....8

4. “Маҳбуб ул-қулуб”да зикр этилган устоз шоирлар.....28

5. Раҳнамо пирлар.....42

6. Темурийлар даври муаллимлари.....55

7. Алишер Навоий дарвешлардан таълим олганми?.....66

ШЕРХОН ҚОРАЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ УСТОЗЛАРИ

(Илмий-оммабоп рисола)

Муҳаррир: В.Аҳмад
Техник муҳаррир: Б.Хайдаров
Мусаҳҳиҳ: Р.Йўлдошева

Босишга рухсат этилди: 30.07.2022.
Офсет қоғоз. Қоғоз бичими 84x108 1/16.
Тимес Hew Роман гарнитураси. Шартли босма табоғи 11
Нашр ҳисоб табоғи 13,75. Адади 100.

«ЗАМОН ПОЛИГРАФ» ОК босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри. Юнусобод тумани,
Бободеҳқон маҳалласи 45-уй.